Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 13 (8753)

18 январь 1986 йил шанба

Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Кеча область партия ташкилотининг XXII ҳисобот—сайлов конференцияси иш бошлади.

МУСТАҲКАМ ТИНЧЛИК ПРОГРАММАСИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг Баёноти ғоят катта қизиқиш уйғотди. Бу Баёнотда янги жуда катта ташқи сиёсий ташаббуслар комплекси олға сурилди. Гап Ленин партияси ва Совет давлатининг мустаҳкам ва яллпи тинчлик учун курашидаги бутун бир босқичга лойиқ ҳужжат тўғрисида бормоқда. Бизнинг мамлакатимиз 2000 йилгача ядро қуролини батамом ва ҳамма жойда тугатиш, инсониятни ўзини-ўзи қириш хавфидан халос этиш, Ер аҳолиси ҳозирги ва келгуси авлодларининг ишончли хавфсизлигини таъминлаш программасини халқлар ҳукмига ҳавола этмоқда, ҳукуматларнинг кўриб чиқиши учун тақдим қилмоқда.

Бу юксак мақсад шонли бир вақтда амалда рўёбга чиқариш учун жаҳон сиёсатининг кун тартибига қўйилди. Тинч қурилишимизни жадаллаштириш программасини қабул қиладиган КПСС XXVII съезди йили бошланди. БМТнинг қарорига биноан 1986 йил—Халқаро тинчлик йилидир.

Халқаро майдонда яхшилик сари бурилиш керак. Совет Иттифоқининг халқлари, бутун дунё халқлари шундай бурилиш бўлишини кутмоқдалар, шуни талаб қилмоқдалар. Шунга биноан КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси бугун Совет ҳукумати ташқи сиёсат соҳасида принципиал характерга эга бўлган бир қанча йирик тадбирларни амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

«Бу қарорларнинг моҳияти, — дейилади Баёнотда,— халқаро вазиятни яхшилашга имкони борича кўпроқ кўмаклашишдан иборат. Кейинги йилларда кучайиб бораётган салбий, муҳолифлик тенденцияларини бартараф этиш, Ер юзида ядровий қуролланиш пойгасини тўхтатишга ва космосда шундай пойганинг олдини олишга, умуман уруш хавфини камайтиришга, давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг таркибий қисми бўлмиш ишонч ўрнатишга олий борадиган йўлни тозалаш зарурати мана шу тадбирларни тақозо этмоқда».

Шу тадбирларнинг энг муҳими — бутун дунёдаги ядро қуролини батамом тугатишнинг аниқ белгилаб қўйилган вақтга мўлжалланган конкрет программасидан иборат. Инсониятни ядро ҳалокати даҳшатидан халос қилиш, инсон ақл-заковатининг буюк кашфиёти—атом энергиясини фақат тинчликка, халқлар бахт-саодатига хизмат қилдириш пайти аллақачон келган. Бу ишга зудлик билан — 1986 йилдаёқ киришиладиган бўлса, у бемалол бажарса бўладиган реал ишдир.

Совет Иттифоқи босқичма-босқич ва изчил иш тутиб, Ер юзини ядро қуролидан халос этиш жараёнини яқин ўн беш йил мобайнида амалга ошира бориб, келгуси асрнинг бошларигача тугаллашни таклиф қилмоқда.

Биринчи босқич 5—8 йил мобайнида СССР ва АҚШ бир-бирларининг территориясига ета оладиган ядровий қуролларни икки баравар камайтиришларини назарда тутади. Уларда қоладиган шундай элтувчи воситаларда кўпи билан 6.000 тадан заряд сақланиб қолади.

СССР ва АҚШ зарбдор космик қуролларни яратиш, синаш ва жойлаштиришдан ўзаро воз кечганлари тақдирдагина қурол-яроғларни шундай тубдан камайтириш мумкинлиги тушунарлидир. Совет Иттифоқи неча марталаб огоҳлантирганидек, зарбдор космик қуролнинг яратилиши Ер юзида ядровий қуролларни камайтиришга бўлган умидларни йўққа чиқаради.

Биринчи босқичда сўнгра СССР ва АҚШнинг Европа зонасидаги ҳам баллистик, ҳам қанотли ўртача олислик ракеталарини тугатиш назарда тутилмоқда. Бу Европа қитъасини ядро қуролидан ҳоли қилиш йўлидаги биринчи қадам бўлур эди. Мантиққа биноан бунда АҚШ бошқа мамлакатларга ўзининг стратегик ракеталари ва ўртача олислик ракеталарини етказиб бермаслик тўғрисида, Англия ва Франция эса ўзларининг тегишли ядро қуролларини кўпайтирмаслик ҳақида мажбурият қабул қилишлари керак.

1990 йилдан кечиктирилмай бошланиши ва 5—7 йил давом этиши лозим бўлган иккинчи босқичда ядро қуролига эга бўлган бошқа давлатлар ядровий қуролсизланишга қўшила бошлайдилар. Бу даврда СССР билан АҚШ биринчи босқичда аҳдлашиб олинганидек, ядро қуролларини камайтиришни давом эттирадилар, шунингдек, ўзларининг ўртача олислик ядровий қуролларини тугатиш борасида кейинги чораларни амалга оширадилар ҳамда тактик ядровий воситаларини кўпайтирмай қўядилар.

Совет Иттифоқи ва АҚШ иккинчи босқичда ўзларининг тегишли қуролларини 50 процент камайтириб олганларидан кейин яна бир жуда муҳим қадам қўйилади — ядро қуролига эга бўлган барча давлатлар тактик ядровий қуролни тугатадилар.

Худди шу босқичда зарбдор космик қуролларни тақиқлаш тўғрисидаги Совет-Америка аҳдномаси унда етакчи саноат давлатлари албатта иштирок этадиган кўп томонлама аҳднома бўлиб қолиши керак. Ядро қуролига эга бўлган барча давлатлар ядро қуроли синовларини тўхтатган бўлур эдилар.

Учинчи босқич 1995 йилдан кечиктирилмай бошланади. Ҳали сақланиб қолган барча ядровий қуролларни тугатиш ниҳоясига етказилади. 1999 йилнинг охирига бориб Ер юзида ядро қуроли сира қолмайди. Бу қурол кейинчалик ҳеч қачон қайта тайёрланмаслиги тўғрисида универсал аҳднома ишлаб чиқилади.

Совет таклифлари кенг миқёсли, актуал, конкрет таклифлардир. Америкининг ядро энергиясидан фойдаланиб, янги зарбдор космик қурол яратилишини кўзда тутувчи «самовий урушлар» режасидан фарқли ўлароқ бизнинг программамиз ҳақиқатан ҳам ядро қуролини йўқ қилиш программасидир.

Мана шу буюк мақсадга амалий равишда ёндашилаётганлиги Совет Иттифоқининг яна бир муҳим қарори билан тасдиқланмоқда. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари айтганидек, биз ҳар қандай ядро портлатишларини тўхтатишга қаратилган ва муддати 1985 йил 31 декабрда тугаган ўзимизнинг ихтиёрий тадбиримизни уч ойга узайтирамиз. Бу эзгу ният билан қилинган янги жуда катта ишдир. Ядро портлатишларини тўхтатиб туриш муддатини узайтириш Совет Иттифоқи учун унча осон қарор эмас. Совет Иттифоқи ядро синовларига нисбатан чексиз бир томонлама вазминлик намоён этавера олмайди. Бирок, мақсадлар шу қадар буюк, тинчлик тақдири учун масъулият шу қадар юксакки, намуна кучи билан бошқаларнинг позициясига таъсир ўтказиш учун биз барча имкониятларни синаб кўрмасдан иложимиз йўқ. Қўшма Штатлар ядро портлатишларини тўхтатиш тўғрисидаги совет таклифлари хусусида тузукроқ ўйлаб кўриши учун унга қўшимча вақт берилмоқда. Халқлар Вашингтоннинг бунга жиддий ёндашувини кутмоқдалар ва талаб қилмоқдалар. Америка томонининг ҳарбий устунлик тўғрисидаги хом хаёл кетидан қувиши — беҳуда ва хатарли сиёсатдир. СССР оқилона ва масъулиятли қарорларга келиш йўлига киришни таклиф қилмоқда.

Шу муносабат билан ядровий ва космик қуроллар юзасидан Женевада яна бошланаётган музокаралар алоҳида аҳамиятга эга. Олий даражада ўтказилган Совет-Америка учрашуви вақтида шу музокараларни жадаллаштиришга қарор берилган эди, мана шу аҳднома қуруқ гап бўлиб қолаверши мумкин эмас. Аввало космос масаласида Америка томонининг амалий ёндашуви зарур. Космос тинч сақлаб қолиниши керак, у ерда зарбдор қуроллар жойлаштирилмаслиги лозим. Бундай қуроллар яратилмаслиги ҳам керак. Қуролланиш пойгаси ер атрофидаги фазога ёйилишига йўл қўймаслик—ядро қуролларини тубдан қисқартиришга йўл очиб бериш демакдир.

Ядро қуроли муаммосининг Европадаги жиҳати жуда муҳим. Қитъадаги хавфсизлик шароити тобора ёмонлашиб бормоқда. Воқеаларнинг шу йўлдан ривожланишига барҳам бериш, бу мушкул аҳволнинг тугунини парчалаб ташлаш пайти келди. Совет Иттифоқининг Европани ҳам ўртача олислик, ҳам тактик ядро қуролидан халос этиш ҳақидаги таклифи ўз кучида турибди.

Совет Иттифоқи ядро қуролини тугатиш программасининг биринчи босқичидаёқ бу йўлдаги биринчи туб қадамни таклиф этди. Янги совет ташаббусларининг талайгина қисми айни Европага қаратилганлиги тасодифий эмас. Европа алоҳида вазифани амалга оширишга — кескинликни юмшатишни янгидан бошлаши мумкин.

Совет Иттифоқи 2000 йилгача ядро қуролини батамом тугатиш билан бир қаторда химиявий қурол каби ваҳшнёна оммавий қирғин қуролини ҳам шу муддат ичида батамом тугатишни мутлақо реал вазифа, деб ҳисобламоқда. Бунда бизнинг мамлакатимиз бу қуролни тайёрлайдиган саноат базасининг ўзини ҳам ўзаро асосда тугатишни таклиф этмоқда. СССРнинг бу соҳадаги таклифлари ғоят муҳим аҳамиятга эгадир. Бу таклифлар Женевадаги учрашувда шартлашиб олинганидек химиявий қуролни тақиқлаш ҳамда бу қуролнинг мавжуд запасларини йўқ қилиб ташлаш тўғрисида самарали ва контрол қилса бўладиган халқаро конвенция тузишга доир музокараларни жадаллаштириш имконини беради.

КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг Баёнотида олға сурилган янги ташаббуслар комплекси қуролсизланиш, ишончни тиклаш, барча халқларнинг тинч келажаги ва тараққиёти истиқболларини мустаҳкамлаш манфаатлари йўлидаги фаолиятнинг барча энг муҳим йўналишлари ва соҳаларини қамраб олади. Марказий Европада қуролли кучлар ва қурол-яроғларни камайтириш тўғрисидаги Вена музокаралари хусусида муҳим амалий фикр-мулоҳазалар билдирилди. Европада ишонч, хавфсизликни мустаҳкамлаш тадбирлари ва қуролсизланиш юзасидан Стокгольм конференциясидаги ечилмаган проблемаларни ҳал этиш калити таклиф қилинди. Шу аср охирига бориб ядровий ва химиявий қуролларни тугатиш программасининг амалга оширилиши Осиёдаги хавфсизликни ҳам сифат жиҳатидан янги поғонага кўтарган, планетадаги энг катта ва аҳолиси кўп қитъада хавфсизлик ва мустаҳкам тинчлик системасини вужудга келтиришга умумий комплекс ёндашиш йўлларини Осиёдаги барча мамлакатлар билан биргаликда қидириш ишига қўшилган ҳисса бўлур эди.

Совет программаси ядровий қуролланиш пойгаси стихиясига қарши қаратилгандир. Бу программа ўртада турган проблемаларни ҳал этишга дадил, новаторларча ёндашиш руҳи билан суғорилган. Шу муносабат билан тугатиладиган ва чекланадиган қурол-яроғлар устидан контролликка нисбатан Баёнотда таърифлаб берилган совет позицияси ғоят муҳим аҳамиятга молликдир. СССР портлатишларни ўтказмаслик, зарбдор космик қуроллар яратилишини тақиқлаш (тегишли лабораторияларни инспекция қилишгача), химиявий қуролнинг тугатилиши, оддий қурол-яроғларнинг камайтирилиши ва ҳоказолар устидан ғоят қаттиқ шундай контрол қилишнинг амалда ҳар қандай тадбирларига тайёрдир. Буларнинг ҳаммаси қуролланиш пойгасининг муҳолифлари ниқобланишга уринган ва доимо қўлланадиган пардани улоқтириб ташлайди. СССР учун контрол — муаммо эмас, муаммо сўзда қуролсизланишни ёқлаб гапираётган АҚШ ва НАТОдаги бошқа мамлакатлар исботлаши лозим бўлган сиёсий ирода ва холис ниятдадир.

Бунда гап СССРга боғлиқ эмаслигини бутун дунё кўриб турибди. Бунинг устига СССР ҳозирги замонинг туб проблемаларини ҳал этишга эришиш учун собиқдамлик билан интилмоқда. Бунга ўз намуна кучи, конструктив ғоялари, реалистик амалий таклифлари билан эришмоқдаки, булар тенглик ва баб-баравар хавфсизлик принципларидан, айрим регионларда ҳам, шунингдек, бутун дунёда ҳам тинчликни мустаҳкамлаш манфаатларидан келиб чиқади. НАТОнинг «Совет ҳарбий хавфи» бор деган душманликдан иборат маълум гап-сўзларидан асар ҳам қолмади. Ер юзида тинчлик ва хавфсизликни ҳақиқатан ҳам қарор топтирувчи давлатгина шундай таклифларни олға суриши ва шундай қадамлар қўйиши мумкин.

Янги совет таклифлари ҳукуматларгагина эмас — барча халқларга, барча ижтимоий кучлар ва урушга қарши ҳаракатларга, холис ниятли барча кишиларга қаратилгандир. Бу тушунарли, албатта. Тинчликни сақлаб қолиш, инсониятни ядро уруши хавфидан халос қилиш — ҳамманинг ва ҳар бир кишининг ишидир. Шу ишнинг муваффақиятини таъминлаш тинчлик учун курашаётган барча кучларни сафарбар этиш, бирлаштиришни, уларнинг ҳаракатини активлаштиришни талаб этади. Совет Иттифоқининг ядросиз дунё программаси ҳамма халқларнинг орзу-умидларига мос бўлиб тушади. Бу программани бутун Ер юзидаги миллион-миллион кишилар бажонидил қўллаб-қувватлашлари шубҳасиз.

Баёнотнинг бутун мазмуни партиямиз ва давлатимиз тинчликсевар ташқи сиёсатининг конкрет равишда яна бир бор намоён бўлишидир. Олга сурилган амалий таклифлар — КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель Пленуми йўлининг, янги таҳ ридаги КПСС Программаси лойиҳасида қайд этилган тинчлик ва социал тараққиёт учун кураш йўлининг амалий ифодасидир. СССРнинг янги тадбирлари совет халқининг бунёдкорлик меҳнати билан шуғулланишдан, барча халқлар билан тинчликда яшашдан иборат ягона муддаосини ифода этади. Совет кишилари тинчликни ҳимоя қилиш ва бутун халқаро вазиятни соғломлаштиришга қаратилган янги қатъий тадбирларни астойдил маъқуллаб, қўллаб-қувватламоқдалар. Улар бу тадбирларни ички ва ташқи сиёсатимиз жон-тани ва руҳининг, ички сиёсат билан ташқи сиёсат узвий яхлитлигининг ифодаси, деб билмоқдалар. Улар тинчлик ишини меҳнат билан мустаҳкамламоқдалар. Ҳамма жойда КПСС XXVII съезди шарафига мусобақа кенг авж олиб кетди. Мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш юзасидан катта иш олиб борилмоқда.

Улуғ Октябрь Ер курраси узра қилпиратган тинчлик, озодлик, инсонпарварлик байроғини Советлар мамлакати янада баланд кўтармоқда.

(«ПРАВДА» ГАЗЕТАСИНИНГ 17 ЯНВАРДАГИ БОШ МАҚОЛАСИ).

СУРАТДА: Тошкент область XXII партия конференцияси президиуми. А. Горокрик ва Б. Юсупов фотоси. (ЎзТАГ).

ПАРТИЯ КУЧЛАРИ ЖАНГОВАРЛИГИНИНГ ТАЛАБЧАН ҚЎРИГИ

Кеча Тошкент область XXII ҳисобот-сайлов партия конференцияси иш бошлади.

Область партия комитетининг биринчи секретари Т. А. Алимов конференцияни очди.

Делегатлар конференциянинг ишчи органларини: президиум, секретариат, редакцион ва мандат комиссияларини сайлашди.

Конференция кун тартибини тасдиқлади:

1. Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг иши тўғрисида ҳисобот;

2. Область партия ташкилоти ревизия комиссиясининг иши тўғрисида ҳисобот;

3. КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси лойиҳаси тўғрисида;

4. Таклиф этилаётган ўзгартишлар билан КПСС Устави лойиҳаси тўғрисида;

5. КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съездига «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари» лойиҳаси тўғрисида;

6. Сайловлар:

— Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетини сайлаш;

— область партия ташкилоти ревизия комиссиясини сайлаш;

— Ўзбекистон Компартияси XXI съездига делегатларни сайлаш;

— Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съездига делегатларни сайлаш.

Область партия комитетининг биринчи секретари **Т. А. Алимов** ҳисобот доклади қилди.

Область партия ташкилоти ревизия комиссиясининг иши тўғрисида комиссия раиси **А. Н. Кудинов** доклад қилди.

Ҳисобот докладини, шунингдек КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси ва ўзгартишлар киритиладиган КПСС Устави лойиҳалари ҳамда область партия ташкилоти ревизия комиссиясининг иши тўғрисидаги ҳисоботни муҳокама қилишда Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари **Б. Ф. Сатин**, В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводи сортли прокат цехи вальцовкачиси **Х. А. Аҳмедов**, Бўка районидаги «Кремль» совхози бригада бошлиғи **Ў. С. Букурова**, Олмалиқ шаҳридаги 15-мактаб ўқитувчиси **Н. Г. Блинова**, Чилонзор район партия комитетининг биринчи секретари **Б. В. Ефремов**, Бекобод районидаги Ленин номли колхоз бригада бошлиғи **А. Рўзиматова**, Оҳангарон районидаги «Ғаллақудуқ» совхоз-саноат комплекси директори **Г. П. Гриценко**, Тошкент тўқимачилик комбинати тўқувчиси **К. Ҳ. Еқуббоева**, В. И. Ленин номли Олмалиқ кон-металлургия комбинати директори **В. Н. Сигедин**, Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театри артисти **З. Муҳаммаджонов**, Тошкент локомотив депоси машинисти **Д. А. Фозилов**, Тошкент бирлашган авиаотряди ҳаво кемаси командири **В. А. Шкурин**, Чиноз район партия комитетининг биринчи секретари **В. Г. Гришчук**, республика миқёсидаги шахсий пенсионер, меҳнат ветерани **Н. М. Железнов**, Тошкент область комсомол комитетининг иккинчи секретари **Н. И. Жданов**, Тошкент область ижроия комитети Ички ишлар бошқармаси бошлиғи **Р. Р. Саитбоев**, «Электрохимпром»-ишлаб чиқариш бирлашмаси карбамид цехининг катта аппаратчиси **О. Г. Соколова**, Тошкент 2-уйсозлик комбинати бўёқчилар бригадасининг бошлиғи **Г. А. Муҳаммаджонова**, Янгийўл шаҳар партия комитетининг биринчи секретари **А. С. Раззоқов**, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи ҳарбий-ҳаво кучлари сиёсий бўлими бошлиғи, авиация генерал-майори **В. Д. Улезько**, Фрунзе район партия комитетининг биринчи секретари **С. А. Хўжаева**, Тошкент политехника институти ректори **К. С. Аҳмедов** сўзга чиқдилар.

Конференция мандат комиссиясининг докладини тинглади ва тасдиқлади. Бу ҳақда мандат комиссиясининг раиси — область партия комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудири **Р. Қ. Турсунов** доклад қилди.

Делегатлар область партия комитетининг ҳисоботи юзасидан қарор қабул қилдилар.

КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси лойиҳаси тўғрисида ва ўзгартишлар киритиладиган КПСС Устави лойиҳаси тўғрисида ҳам резолюциялар қабул қилинди. Конференция область коммунистлари, барча меҳнаткашларининг яқдил фикрини ифодалаб, мазкур съездолди ҳужжатлари лойиҳаларини тўла ва батамом маъқуллади ва КПСС Марказий Комитетининг XXVII съездга лойиҳаларини область партия ташкилотлари, меҳнат коллективлари олдида турган вазифалар билан мустаҳкам боғлиқ ҳолда муҳокама қилиш, тарғиб этиш ва ўрганиш юзасидан ташкилотчилик ва сиёсий ишни давом эттириши область, шаҳар ва район партия комитетларига топширди.

Конференция область партия ташкилотининг ревизия комиссияси ҳисоботини тасдиқлади.

Конференция ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари Р. Ҳ. Абдуллаева, В. П. Анишчев, Ғ. Ҳ. Қодиров, Н. И. Попов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси аъзолигига кандидат В. А. Хайдуров, КПСС Марказий Комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлими сектори мудирининг ўринбосари И. Е. Пономарев иштирок этмоқдалар.

Конференцияда СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари Ю. П. Баталин, СССР Ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари В. Ф. Мальцев, СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари, «Знамя» журналининг бош редактори Ю. П. Воронов, СССР Давлат агросаноат комитети раисининг ўринбосари, ВАСХНИЛ президенти А. А. Никонов қатнашмоқдалар.

Область партия конференцияси бугун ўз ишини давом эттиради.

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ ИШИ ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ

Область партия комитетининг биринчи секретари Т. А. АЛИМОВ доклади

Область коммунистларининг XXII ҳисобот-сайлов конференцияси совет жамияти ҳам ички, ҳам халқаро соҳада жуда масъулиятли муҳим бир тарихий даврни бошидан кечираётган вақтда ўтмоқда. Партия ўзининг XXVII съездига жадаллаштириш концепцияси билан бормоқда, у коммунистик бунёдкорликнинг етилган проблемаларини ҳал қилишга ҳақиқатан ҳам ленинча, новаторлача муносабатда бўлаётганлигидан далолат беради, КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил октябрь Пленумида кўриб чиқилган муҳим снёсий ҳужжатларнинг ўзагини ташкил этади.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев таъкидлаганидек, «Партиянинг учинчи Программаси ҳозирги таҳ рирда — социализмни планли равишда ва ҳар томонлама такомиллаштириш, совет жамиятини мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш негизида коммунизм томон янада олға силжитиш программасидир». Бу Программада социализмнинг тарихий ютуқлари ва афзалликларининг янада бойитилган характеристикаси берилган. Мамлакат ичида ва жаҳон миқёсида содир бўлаётган жараёнлар реалистик таҳлил қилинган, партиянинг, бутун совет халқининг узоқ муддатга мўлжалланган ишининг стратегик йўналишлари белгилаб берилган.

Программанинг ҳар бир сатри урушнинг олдини олишга, турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаш принциплари тантана қилишига йўналтирилган, ленинчи партиянинг тинчликсевар амалий ташаббусларини мужассамлантирган, милитаризмга қарши барча кучларни қатъий қўллаб-қувватлашга қаратилган.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачевнинг Баёноти тинчлик тўғрисида ғамхўрликнинг ёрқин тимсолидир. Бу Баёнотда ядровий қуролларни ва бошқа турдаги оммавий қирғин қуролларини батамом йўқотишнинг конкрет программаси олға сурилган. Пойтахт областининг меҳнаткашлари Коммунистик партия билан совет ҳукуматининг бу янги тинчликсевар ташаббусларини қизғин маъқуллайдилар ва қўллаб-қувватлайдилар.

Программанинг қоидалари СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг ўн иккинчи беш йиллик ва 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳасида моддийлаштирилган.

КПСС Уставига таклиф этилаётган ўзгартишлар партиянинг демократик централизм принциплари асосида ташкилий мустаҳкамланишига, унинг ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларидаги раҳбарлик ролини оширишга ёрдам беришга даъват этилгандир.

Партиянинг программ ҳужжатлари кенг кўламда умумпартия, умумхалқ аксадосини юзага келтирди, ҳар бир совет кишисининг қизғин маъқуллаши ва яқдиллик билан қўллаб-қувватлашига сазовор бўлди. Бу ҳужжатларни муҳокама қилишда Тошкент областининг коммунистлари, барча меҳнаткашлари активлик ва манфаатдорлик билан иштирок этдилар.

Бу ҳужжатларни муҳокама қилишга бағишланган йиғилишларда 90 мингдан ортиқ коммунист ва партиясиз сўзга чиқди. Уларнинг ҳар икки нафаридан бири аниқ таклифлар ёки қўшимчалар киритди.

Буларнинг ҳаммаси бутун республикамиздаги каби областимизда ҳам КПСС Марказий Комитетининг актив қўллаб-қувватлаши ва ёрдами, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва ундан кейин бўлиб ўтган пленумлари қарорлари асосида ғоявий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириш жараёни ва ижобий ўзгаришлар бошлайганидан далолат беради. Бу биз учун жуда муҳимдир.

Маълумки, сўнгги йилларда область партия ташкилотининг снёсий ва ташкилий ишлари савияси партия талабларига жавоб бермади. Экономикани, маданиятни ривожлантиришда, кишиларни тарбиялашда катта камчиликларга ва қўпол хатоларга йўл қўйилди. Ваъдалар ва даъватлар кетидан халқ хўжалик планларини бажариш, мавжуд потенциалдан самарали фойдаланиш учун қатъий кураш бошланмади. Қўшиб ёзишлар, кўзбўямачилик, хизмат лавозимларини суиистеъмол қилиш, порахўрлик ва социалистик мулкни талон-тарож қилиш авж олди. Кадрлар билан ишлашнинг ленинча принциплари бузилди. Ходимларни уларнинг ишчанлик ва ахлоқий-снёсий фазилатларига қараб эмас, қариндош уруғчилик, юртдошлик, шахсан содиқлик ва мақбул тушишлик, айрим ҳолларда ҳатто манфаат кўриш нияти билан танлашдек қораланган практика қўлланилди. Партиявий принципиаллик ва талабчанлик ўтмаслашиб қолди. Бу кадрларнинг ахлоқий айнишига, область меҳнат коллективларида вазиятнинг сезиларли даражада ёмонлашишига олиб келди, қўпгина меҳнат коллективларида планлар ва мажбуриятларни бардод этиш, прогулчилик, ичкиликбозлик, ҳуқуқларни бузиш оддий воқеа бўлиб қолди.

Область партия комитетининг IV пленумидан бошлаб область партия комитетининг барча иши иқтисодий ва социал қурилишнинг турли соҳаларига партиявий раҳбарликда йўл қўйилган нуқсонларни бартараф этишга, юзакичилик ва дабдабабозликни, ҳовлиқмаликни, жонли ишга партиявий-снёсий мусобатда бўлишни канцелярия-бюрократик мусобатда бўлиш билан алмаштиришнинг ҳар қандай уринишларини таг-томири билан йўқотишга қаратилди.

Бу йўналишда қандай ишлар қилинди? Номутаносибликлар ва турғунликни бартараф этиш билан боғлиқ бўлган айрим муҳим проблемалар чуқур ўрганилмоқда. Партия комитетларига нисбатан талабчанлик кучаймоқда. Область партия

(Давоми 2-бетда).

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ

17 январь куни Навоий область III партия конференцияси ўз ишини бошлади. Обкомнинг биринчи секретари А. С. Ефимов область партия комитетининг ҳисобот докладини қилди.

Конференция ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими М. Л. Ишков қатнашмоқдалар.

* * *

Хоразм область XXII партия конференцияси 17 январь куни Урганчда иш бошлади. Обкомнинг биринчи секретари М. М. Мирқосимов область партия комитетининг ҳисобот докладини қилди.

Конференция ишида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси О. У. Салимов, КПСС Марказий Комитети бўлими мудирининг ўринбосари Г. Ҳ. Шаҳназаров иштирок этмоқдалар.

* * *

17 январда Бухоро область XXII партия конференцияси ўз ишини бошлади. Обкомнинг биринчи секретари И. Жабборов область партия комитетининг ҳисобот докладини қилди.

Конференция ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари А. С. Икромов, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги партия контроли комитети раисининг ўринбосари М. Г. Воропаев, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими В. И. Тимонин иштирок этмоқдалар.

* * *

17 январь куни Гулистонда Сирдарё область XI партия конференцияси ўз ишини бошлади. Обкомнинг биринчи секретари А. Ф. Клепиков область партия комитетининг ҳисобот докладини қилди.

Конференция ишида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари В. К. Михайлов, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими М. Н. Перфильев қатнашмоқдалар.

(ЎзТАГ).

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ ИШИ ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ

(Боши 1-бетда).

комитетининг бюро ва секретариати мажлислари анча ишчанлик, конструктив вазиятда ўтадиган бўлиб қолди. Бундай мажлисларда шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотларининг 87 ҳисоботи тингланди. Партия ташкилотларининг жанговарлигини кўриндан ўтказиш, раҳбар коммунистларнинг ўз хизмат ва Устав мажбуриятларини бажараётганликлари ҳақидаги ҳисоботларини тинглаш, очиқ партия йиғилиш-ларида юқори лавозимда ишлашга тавсия этилган кадрларнинг ишчанлик ва сиёсий сифатларини муҳокама қилиш одат тусига кириб бормоқда. Бу область партия комитетига қўйи партия бўғинларининг ҳаёт маромини чуқурроқ ҳис қилиш, уларда бўлаётган жараёнларни аниқроқ билиб олишга ёрдам бермоқда, аввало халқ хўжалигида иқтисодий кўрсаткичларнинг ..хшиланишига кўмаклашяпти.

Саноат ишлаб чиқаришининг ўсиш суръатлари тезлашди, меҳнат унумдорлигининг иш ҳақининг ортишига нисбатан илдам юксалиши сезилмоқда. Беш йиллик бошидан бери 6,5 мингтадан кўпроқ машиналар, приборлар ва замонавий асбоб-ускуналар турлари яратилди. Янги Ангрен ГРЭСида 2 та энергоблок ишга туширилди, республикада моторсозликнинг тўнғичи — Тошкент мотор заводи маҳсулот берди.

Давлатга пахта, каноп, ғалла, чорвачилик ва бошқа асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари турларини сотиш беш йиллик топшириқлари бажарилди.

Капитал қурилишнинг белгиланган программасини амалга ошириш юзасидан чоралар кўрилди. Асосий фондлар учдан бир қисмдан кўпроқ ортди, 7,5 миллион квадрат метрдан ортиқ саҳнли уй-жой майдони фойдаланишга топширилди. Транспортнинг барча турлари янада ривожланди. Уларнинг юк оборoти 18 процент ошди. Савдо ва аҳолига хизмат кўрсатувчи соҳалар ишини яхшилаш, халқ маорифи, соғлиқни сақлаш, фан ва маданиятни ривожлантиришга эътибор кучайди.

Ҳисобот даврида экономика ва маданиятнинг турли соҳаларида область партия комитети томонидан турли-туман вазифаларнинг ҳал қилинишида ишларимизнинг умумий байроқдори — шаҳар ва қишлоқлар минглаб меҳнаткашларининг ижодий ғайрат-шижоати катта роль ўйнади. Улар КПСС Марказий Комитетининг қатъий ва изчил йўлини, Ўзбекистон Компартияси XVI пленумининг кўрсатмаларини дилдан маъқуллаб, тартиб ўрнатишга, интизом ва уюшқоқликни ҳамма жойда кучайтиришга, барча ишларимизда ижобий томонга қараб бурилиш ясаш учун курашга актив қўшилдилар.

Ҳисобот даврида область партия комитети томонидан ва айниқса, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумидан кейин қилинган ишлар ҳақида гапириб шуни баён этиш керакки, биз ҳали салбий ҳолатлар ва тенденцияларни тағ-томири билан йўқ қилиш йўлида дастлабки қадамларни қўйдик, холос. Область партия комитети ҳали партия, давлат, хўжалик аппаратининг барча бўғинларида ишнинг давр талаблари даражасида олиб борилишини, амалга оширилаётган ишнинг муҳимлигини барчага чуқур сингдиришни таъминлай олганича йўқ. Бу ерда биз муайян қийинчиликларга дуч келдик. Кадрларнинг айрим қисми белгиланган йўлга амал қилмаяпти. Кўпинча ахлоқий-психологик муҳитни соғломлаштириш, ишимиздаги мавжуд катта камчиликлар ва нуқсонларни бартараф этиш юзасидан кўрилаётган чораларга тўғридан-тўғри қаршилик кўрсатмоқдалар.

Ҳалол меҳнаткашларга, партия комитетларига, раҳбар коммунистларга нормал ишлашга ва яшашга халақит бераётган барча қусурлардан вазиятни қатъий тозалаш учун партия группаси ташкилотчисидан область партия комитетининг биринчи секретаригача ҳамма салбий ҳодисаларга қарши курашни икки-уч карра кучайтиришлари, бу курашни аввалдагига нисбатан анча кескин, мақсадни янада аниқроқ кўзлаб олиб боришлари керак.

Область партия комитети, партия комитетлари ва ташкилотлари, бизнинг барча кадрларимизнинг сиёсий, ташкилотчилик, идеологик иши энг аввало ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришда қатъий силжишга эришишга қаратилмоғи лозим. Бу энг муҳим вазифадир.

Барча даражаларда олиб борилаётган бу иш кўламини кенгайтиришда КПСС Марказий Комитетининг 2000 йилгача меҳнат унумдорлигини икки-икки ярим баравар ошириш, қўл меҳнати улушини 15—20 процентгача камайтириш, фонд самарасининг камайиш тенденциясини бартараф этиш ва маҳсулот сифатини кескин яхшилаш тўғрисидаги принципиал кўрсатмасига амал қилиш керак.

Область партия ташкилотида ҳозир шундай юксак марраларни эгаллаш учун ҳамма иш қилиняпти, деб айта оламизми? Афсуски, бундай деб бўлмайди.

Янги ишлаб чиқариш қувватларининг жуда секинлик билан ишга туширилиши ва ҳозирги вақтда ишлаб турган қувватлардан кам самара билан фойдаланилиши ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатларига ва фонд самарадорлигига салбий таъсир кўрсатди. Бу муҳим кўрсаткичлар икки беш йиллик давомида камайиб бормоқда. Асосий кўрсаткичлар бўйича ўн биринчи беш йиллик топшириқлари барбод этилди. Ўтган йили 60 бирлашма, завод ва фабрика, умуман Олмалиқ, Ангрен, Бекобод, Чирчиқ шаҳарлари, Оржоникидзе райони саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмини камайтириб юборишдилар. Ҳар уч корхонанинг бири маҳсулот етказиб бериш интизомини бузди.

Конференция бунинг учун аввало область партия комитетининг тармоқ бўлимлари, область партия комитети бюроси аъзоси ва секретари ўртоқ В. Г. Гордиенкога нисбатан қатъий даъволар қилишга ҳақлидир.

Область партия комитети шаҳар ва район партия комитетларининг экономикага раҳбарлик қилиш бўйича фаолиятини ҳар доим ҳам чуқур таҳлил этмайди ва тўғри баҳоламайди. Область партия комитети пленумларида, бюро мажлисларида Ҳамза район партия ташкилоти бир неча бор яхшилар қаторида саналди. Бу район қатор йиллар давомида социалистик мусобақа ғолиби деб эътироф қилиниб, кўчма байроқларни олди.

Ютуқлардан эсанкираган район партия комитети аслида саноат ишлаб чиқаришини комплекс ривожлантириш муаммоларига чуқур кириб бормай қўйди. Районда қолоқ корхоналар сони кўпайди. Уларнинг ярмидан кўпроғи ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш бўйича беш йиллик планни бажармади, ҳар уч корхонанинг бирида қўл меҳнати улуши 60 процентдан ҳам ошиқроқни ташкил этмоқда. Сифат белгиси билан чиқариладиган маҳсулотнинг солиштирма ҳажми бир ярим баравар камайиб кетди. Меҳнат унумдорлигининг ўсиши иш ҳақининг ортишидан орқада қолмоқда. Экономиканинг бошқа тармоқларида ҳам жиддий камчиликлар мавжуд. Районда текширилган қурилиш объектларининг ҳар иккитасидан бирида қўшиб ёзишлар, кўзбўямачилик ва талон-тарож қилиш ҳоллари аниқланди.

Район партия комитети, унинг биринчи секретари ўртоқ Нажмиддинов эса вужудга келган аҳволни танқидий баҳолаш, ишни яхшилаш билан жиддий шуғулланиш ўрнига камчиликларни хаспўшлаш ва ҳақиқатни бўяб кўрсатиш йўлига ўтиб олган. У манманликка бериліб, гўё ўн биринчи беш йиллик топшириқлари муддатидан илгари бажарилганлиги ҳақида область партия комитетига «ғолибона» рапорт юборишга шошилган. Область партия комитети бу фактга принципиал баҳо берди, район партия комитетининг биринчи секретарига ахборотнинг нообъектив эканлигини кўрсатди. Шуни ҳам айтиш керакки, дабдабали рапортни тайёрлаш учун сарфланган харажатни у ўз киссасидан тўлашига тўғри келди. Афсуски, бундай фактлар ягона эмас.

Бекобод (ўртоқ Рўзиев), Янгийўл (ўртоқ Раззоқов) шаҳар партия комитетлари, Ғалаба (ўртоқ Толипов), Тошкент (ўртоқ Тўрахонов) район партия комитетлари, бошқа партия комитетлари ҳам бундай иш услубидан тезроқ халос бўлишлари лозим. Улар оғизда интенсивлаш тарафдори бўлиб, амалда эса ҳали ҳам консерватор ва эскилик асири бўлиб қолмоқдалар.

КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси лойиҳасида таъкидланганидек, ишлаб чиқаришни замонавий техника асосида қайта қуроллантириш жадаллаштириш ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишнинг ҳал қилувчи омилидир. Бу биз учун жуда муҳимдир. Текширишлар кўрсатганидек, областдаги ҳар уч корхонанинг иккитаси тубдан техник такомиллаштиришга муҳтождир.

Инвестиция сиёсати областда аслида қандай аҳволда?

Ишлаб чиқаришни техникавий такомиллаштиришга сарфланаётган капитал маблағларнинг солиштирма миқдори кўп йил давомида 30 процент даражасида бўляпти. Ваҳоланки ўн биринчи беш йилликда ҳатто ана шу маблағлар ҳам ҳар йили тўла ўзлаштирилмай қолди.

Область партия хўжалик активи фан-техника тараққиётини жадаллаштириш масалалари бўйича КПСС Марказий Комитетида бўлиб ўтган кенгаш тавсияларидан келиб чиқиб, аниқ вазифани — ҳар бир шаҳар ва районда, ҳар бир корхонада техник қайта қуролланиш комплекс планини ишлаб чиқиш, шу йилдан бошлаб ана шу мақсадлар учун капитал маблағларнинг камида ярмини сарфлашга эришиш вазифасини қўйди.

Бироқ шу кўрсатмадан кейин амалга оширилган ишни миқёслари бўйича ҳам, мазмуни бўйича ҳам қониқарли деб тан олиш мумкин эмас. Масалан, енгил саноат министрлигининг областда жойлашган корхоналарида ўн иккинчи беш йилликда ишлаб чиқариш ҳажмини 18 миллион сўмлик кўпайтириш, унинг фақатгина учдан икки қисмини меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига таъминлаш назарда тутилади. Бу корхоналарни ривожлантириш учун 74 миллион сўмлик капитал маблағ сарфлаш планлаштирилган. Бу корхоналар ва планлаштириш органларининг ана шундай тутган йўли билан биз келиша олмаймиз. Реконструкцияга зўр бериш — бу меҳнат унумдорлигини ўстиришга ва ишлаб чиқаришнинг рентабеллигини оширишга зўр бериш эканини яна бир бор таъкидлашни истар эдик.

Ўн биринчи беш йилликда областда ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва комплекс механизациялашга ярим миллиард сўмликдан кўп маблағ сарфланди. Айни вақтда меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари икки баравар камайди. Қўл меҳнати улуши 36 процент даражасида қолди, пахта тозалаш, озиқ-овқат ва маҳаллий саноатда қўл меҳнати сарфи 50 процентдан кўпроқни ташкил этяпти.

Нима бўлаяпти ўзи? Областдаги барча корхоналар янги техника бўйича планларнинг бажарилганлиги ҳақида ҳисоб берадилар. Унинг амалий самараси эса кўриб турганингиздек, йўқ.

Область партия комитетининг оғир, енгил саноат ва халқ истеъмоли товарлари бўлимлари, бу бўлимларнинг мудирлари Шеин, Йўлдошева ўртоқлар содир бўлаётган жараёнларни ҳали ҳам юзакичилик билан таҳлил қиладилар, ишлаб чиқаришнинг автоматлашиш ва механизациялашиш даражасини ошириш учун партия комитетларига, хўжаликлар раҳбарларига юксак талабчанлик қилмаяптилар.

Мавжуд ишлаб чиқариш потенциалидан анча самаралироқ ва рационал фойдаланилиши лозим. Раҳбарлар, партия ташкилотлари ўтган йили областдаги механизациялашган поток ва автоматлашган линиялар ҳар иккисидан бири қувватининг тўртдан уч қисми даражасида фойдаланганлиги билан келишувчилик қилмоқдалар, асбоб-ускуналарнинг сменали коэффициенти пастлигича қолмоқда. Шунга қарамай область партия комитети, кўпгина район ва шаҳар партия комитетлари мавжуд аҳволни била туриб, кишини ғазаблантирувчи бундай хўжасизлик фактларини қатъийлик билан бартараф этмадилар. Масалан, Ўзбекистон металлургия заводида ўнинчи беш йилликда ишга туширилган қувватлардан бор-йўғи 75 процент фойдаланяпти, фонд самараси бир ярим баравар камайиб кетди, четдан келтирилган қимматли асбоб-ускуна кўп йиллардан бери ишламай ётипти. Ваҳоланки, уларни 1983 йилда монтаж қилиб бўлиш керак эди. Завод асосий фаолиятдан олинган фойданинг миллионлаб сўмини жарима тўлаш учун ажратиб келмоқда, ваҳоланки, ана шу маблағлар ҳисобига корхона меҳнаткашларининг социал-маиший шароитларини анча яхшилаш мумкин эди. Бу кишини ғазаблантирувчи фактдир. Бу ерда завод партия комитети, унинг собиқ секретари Жамолиддиновнинг позицияси мутлақо принципсиз бўлган эди.

Область партия комитетининг аъзоси, завод директори ўртоқ Юсуповнинг иш манфаатлари ҳақида партиявий ғамхўрлиги, социалистик тадбиркорлиги қаерда қолди. Холбуки, партия топшириқлари бажарилмаётганлиги учун ҳаммадан кўра кўпроқ у масъулиятни сезиши керак эди. Бироқ унинг корхонани кўтариш ҳақидаги кўпдан-кўп ваъдалари ваъдалитича қоляпти.

Афсуски, бундай мисоллар кам эмас. Ўн биринчи беш йилликда область саноатида ўрнатилмаган асбоб-ускуналар сони бир ярим баравар кўпайди, уларнинг қиймати 266 миллион сўмликдан ошиб кетди. Бу маблағ «Средазкабель» бирлашмасидек тўртта йирик корхонадаги асбоб-ускуналарни тўла янгилаш учун етади. Айрим раҳбар кадрларимизнинг бепарволиги область экономикасига қанчалик катта қимматга тушаётганлигини ана шундан билса бўлади.

Партия комитетлари ва ташкилотлари, хўжаликлар раҳбарлари ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришнинг барча масалаларини диққат марказида сақлашлари керак. Ҳар бир корхонада иш ўринларини сифатли аттестациядан ўтказиш ва рационаллаштириши қисқа муддатларда таъминлаш лозим. Бошқарув ва хўжалик юритишнинг анча такомиллашган усулларини излаш ва ишлаб чиқишни янада қатъийлик билан олиб бориш керак. Меҳнатни ташкил этиш ва уни рағбатлантиришнинг прогрессив формаларини жорий қилишдаги расмиятчилик ва хўжакўрсинчиликни қатъий бартараф этиш лозим.

КПСС Марказий Комитети кўрсатганидек, ҳозирги босқичда ресурсларга тежамкорлик билан муносабатда бўлиш, ҳар бир катта ва кичик нарсани тежай билишнинг роли ортиб бормоқда. Акмал Икромов район партия комитетининг иқтисодий режимни кучайтириш бўйича иши ҳақидаги ҳисобот область партия комитети бюросида муҳокама қилиниши шуни кўрсатдики, ҳали бу масалада бутун областимиз учун характерли бўлган кўпгина камчиликлар бор. Ҳар икки корхонанинг бирида қора металлар прокати, қозон-печь, дизель ёнилғиси ва электр энергиясининг солиштирма сарфланиши тармоқдаги нормативлардан ошиқроқдир. Айниқса, бундай корхоналар Киров, Ленин, Бўстонлиқ, Ўрта Чирчиқ ва Фрунзе районларида кўп. Металлдан фойдаланиш коэффициенти ошмаяпти. Бизда амалда ҳар беш тонна қора металлар прокатининг бир тоннаси чиқитга чиқмоқда.

Область партия-хўжалик активи йиғилишида бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш учун каолин ва гидрошлак чиқиндиларидан кенг фойдаланиш бўйича Ўзбекистон ССР Госплани, Энергетика ва электрлаштириш министрлиги, Қурилиш министрлиги ва Бинокорлик материаллари саноати министрлиги адресига конкрет таклифлар айтилган эди. Фақатгина Олмалиқ химия заводи отвалларида 30 миллион тоннадан кўпроқ фосфогипс тўпланиб қолган. Бу чиқинди 200 гектардан ортиқ ерни эгаллаб турипти. Ҳадемай яна шунча ер керак бўлади. Олимлар томонидан фосфогипсдан фойдаланишнинг олти хил усули ишлаб чиқиланига қарамай идоралараро ғовлар туфайли бу усулларнинг бирортаси ҳам шу вақтгача жорий қилинмаган. Хўжаликни шу тарзда юритиш мумкинми? Бизнинг фикримизча республика Министрлар Совети бу муҳим масалага аниқлик киритиши зарур.

Маҳсулотнинг сифатини ва техник даражасини кескин ошириш иқтисодий сиёсатимизнинг марказида турмоғи зарур. КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленуми таъкидлаганидек, сифат ва яна бир бор сифат — бизнинг ҳозирги шиоримиздир. Область партия ташкилоти ҳисобот даврида бу масалага эътибор бермади, деб айтиб бўлмайди. Область партия комитети пленумларида, бюро мажлисларида шаҳар ва район партия комитетлари, сифатсиз, харидоргир бўлмаган маҳсулот ишлаб чиқараётган корхоналар ва бирлашмаларнинг раҳбарлари, партия ташкилотлари қаттиқ танқид қилиндилар, бу муҳим ишда лозим даражада тартиб ўрнатиш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқилди.

Лекин бу ишларнинг амалга оширилиши устидан назорат олиб борилмади. Оқибатда сифат белгиси билан чиқарилаётган маҳсулотнинг солиштирма ҳажми жами ишлаб чиқариш ҳажмида умумиттифоқ даражасидан орқада қолмоқда ва бор-йўғи 11 процентни ташкил этяпти. Аввалгидек фақатгина ҳар олти корхонанинг бирида шарафли беш қиррали тамға босилган буюмлар тайёрланаётир, холос. Тошкентдаги пойабзал, Янгийўл ва Олмалиқ мебель фабрикалари, «Чевар», «Тошкент» бирлашмалари ва бошқа корхоналар маҳсулотини давлат стандарти органлари муттасил брак қиладилар. Ўтган йилнинг ўзида область савдо ташкилотлари салкам 15 миллион сўмлик сифатсиз буюмларни қайтариб юбордилар.

КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси лойиҳасида таъкидланганидек, брак — бу моддий ресурсларни ва халқ меҳнатини исроф қилишдир, маҳсулот сифати — касб ва ватанпарварлик ифтихори бўлиши лозим.

Область партия комитети, партия комитетлари ва ташкилотлари, хўжаликлар раҳбарлари маҳсулот сифатини оширишга қаратилган тадбирларни кўришда планлаштириш ва бошқарув воситаларидан, маънавий ва моддий рағбатлантиришлардан, социалистик мусобақа имкониятларидан актив фойдаланишлари зарур. Биз сифат масаласини ҳал қилмасак, аҳолини халқ истеъмоли товарлари билан таъминлаш муаммоларини ҳам ҳал қила олмаслигимизни эсдан чиқармаслигимиз лозим. Демографик омилларни, истеъмол эҳтиёжларининг муттасил ортишини ҳисобга олиб КПСС Марказий Комитети маъқуллаган халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришнинг 1986—2000 йилларда ривожлантириш Комплекс программасини амалга ошириш жуда муҳимдир.

Бироқ партия, совет, хўжалик органларининг бу муҳим йўналишдаги куч-ғайрати ҳали ҳам лозим даражада самара бермаяпти. Областдаги ҳар уч корхонанинг бири халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш бўйича ўтган йил топшириғини барбод этди, ҳар тўрт корхонанинг бири умуман бундай маҳсулот тайёрламади. Тошкент экскаватор заводи, Олмалиқ конметаллургия комбинати, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинати каби йирик, техникавий жиҳатдан яхши ускуналанган корхоналар ҳамон омманинг эҳтиёжи катта бўлган товарларни ҳар бир сўмлик иш ҳақи ҳисобига 10 тийингача бўлган ҳажмда ишлаб чиқараётганликлари билан сира келишиб бўлмайди.

Бу масалада халқ депутатлари Советлари ва биринчи навбатда область ижроия комитети ва Тошкент шаҳар ижроия комитетининг роли муҳимдир. Бироқ улар қудратли авиалайнерлар ва замонавий трансформаторлар ишлаб чиқарганимиз ҳолда мамлакатнинг бошқа бурчакларидан дераза ва эшик халқалари олиб келаётганлигимиз, чет элларга энг янги машиналар етказиб берилаётган бир вақтда жойларда розеткалар, қайчилар, болалар шақилдоқлари тайёрланмаётганлиги билан келишувчилик қилмоқдалар.

Пойабзал масаласи қандай бўлмоқда? 1985 йил бошида область партия комитети бюросида қатор пойабзал корхоналари раҳбарларининг шу корхоналар фаолияти ҳақидаги ҳисоботлари тингланди. Уларнинг айримларига жазо берилди. Бироқ улар ҳам, республика Енгил саноат министрлиги ҳам тайёрланаётган маҳсулот сифатини ошириш ва ассортиментини кенгайтириш бўйича қатъий чоралар кўрмадилар. Биз зарур қувватларга эга бўлган ҳолда ҳар бир бола учун мамлакат бўйича ўртача тайёрланаётганига нисбатан икки баравар кам пойабзал ишлаб чиқараётганлигимиз кишининг ғазабини келтирмайдими? Ҳозир қиш, лекин магазинларда болаларнинг иссиқ пойабзалини топиб кўрингчи? Бундай пойабзал умуман йўқ. Чунки бунақа оёқ кийимларни бизда ишлаб чиқаришмаяпти.

Давлат интизомига қатъий амал қилиш, шартнома мажбуриятларини сўзсиз бажариш, коллективларнинг штурмчиликсиз ва ҳайбаракаллачиликсиз бир маромда ишлашини таъминлаш вазифаси маҳсулот сифати билан узвий боғланғандир. Бу вазифа қандай бажарилишига қараб раҳбарларнинг компетентлиги, уларнинг эгаллаб турган лавозимларига мувофиқлиги ҳақида хулоса чиқарамиз. Баҳо беришнинг бошқа мезони йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

Қишлоқ хўжалигидаги аҳвол область партия комитети фаолиятида туб масала бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Сизларга маълумки, халқ хўжалигининг айни ана шу соҳасида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми томонидан қаттиқ қораланган салбий ҳолатлар рўй берди. Амалда бор бўлган экин майдонларини камайтириб кўрсатиш, қўшиб ёзиш ва кўзбўямачилик оқибатида ҳақиқий аҳвол бўялиб, гўё «юқори ҳосил олинган»лиги кўрсатилди. Планни қандай йўл билан бўлмасин бажаришга уриниш практикаси давлатни алдашга олиб келди, ишлаб чиқаришнинг иқтисодий натижаларига салбий таъсир кўрсатди.

Область партия комитети бу ярамас иллатларни қаттиқ қоралаб, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини мустаҳкамлаш йўлини изчил амалга оширишга ҳаракат қилмоқда. Агросаноат соҳасида жуда кўп раҳбар ходимлар турли хилдаги ўғирлик, талон-тарож ва мансабни суиистеъмол қилганликлари учун партия сафидан ўчирилдилар ва жиноий жавобгарликка тортилдилар.

Қўшиб ёзиш ва ҳавойи ваъдалар беришдан қутилиш, ҳақиқий аҳволга ҳушёрлик билан қараш биз учун тўғри йўлга тушиб олиш, область агросаноат комплексини яхшилаш томон буришга замин яратади. Бу ерда энг муҳим масала — суғориладиган гектарлар самарадорлигини оширишдан иборатдир.

Техника таъминоти жиҳатидан биз ҳозир эришган даража, тупроқ иқлим шароити, ўғитлардан кенг кўламда фойдаланиш айни пайтда мактабгажўхори дон ҳосилдорлигини 1,5 баравар, картошка ва сабзавотни 1,2—1,3 баравар ошириш, ҳар гектар ҳосилига олинадиган озуқа бирлигини 30 процентга кўпайтириш имкониятини беради. Бу кўрсаткичлар областимизнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари кўпгина турларига бўлган эҳтиёжини ўзимиз қондириш муаммосини бирмунча ҳал этиш имкониятини яратган бўлур эди. Афсуски биз ҳали бу марралардан анча йироқдамиз.

Ҳисобот даврида лоақал бironта қишлоқ райони барча кўрсаткичлар бўйича план топшириқларини бажара олмаганлиги афсусланарлидир. Айниқса, Оҳангарон (Миркомилов, Қодиралиев ўртоқлар), Ғалаба (Толипов, Холмирзаев ўртоқлар) ва Калинин (Хайдуров, Жуманиёзов ўртоқлар) районлари жуда кўп маҳсулот турлари бўйича катта қолоқликларга йўл қўйдилар.

Объектив ҳолатлар ҳисобга олинган тақдирда ҳам рўй берган аҳволнинг асосий айбдорлари ўзимиз эканлигини ошкора айтишимиз керак. Область партия комитети қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати бўлими ҳали ҳам эскича усулда ишлаш одатидан тўла-тўкис халос бўла олмаётир. Бўлим ходимлари ишга кўпинча юзаки муносабатда бўладилар. Қишлоқда рўй бераётган жараёнларни чуқур таҳлил этолмаяптилар ва актив таъсир кўрсатмаяптилар.

Коммунист Қодиров ҳам ўзига топширилган участкадаги ишни эплай олмади. Шунинг учун ҳам биз ани область партия комитетининг секретари ва бюро аъзоси вазифасидан озод қилишга мажбур бўлдик. Область ижроия комитети раисининг собиқ биринчи ўринбосари Тошқулов ҳам районлар ва хўжаликлардаги хўжасизлик, беғамлик, тартиб-интизомни бузиш ҳоллари билан келишиб келди.

Қўшиб ёзиш ва хўжакўрсинчилик, енгил-елпи йўллар билан ютуқларга эришиш учун ҳаракат қилиш одамларни ҳаддан ташқари бузиб, йўлдан тойдириб юборди, натижада агросаноатнинг бир қатор ходимлари партия ташкилотларининг ҳомийлиги ва кўриб кўрмасликка олишларидан фойдаланиб, деҳқончиликдаги муаммоларни чуқур ўрганиш масалалари билан амалда шуғулланмай қўйдилар, белгиланган агросаноат тадбирларининг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишига менсимай қарадилар. Шундай бўлгандан кейин Бўка, Ғалаба ва Пискент районларида пахта ҳосилдорлиги анчагина пасайганлиги, Оржоникидзе, Бўстонлиқ ва Тошкент районларида картошка етиштириш, Калинин районида эса сабзавот ҳосилдорлиги деярли икки баравар камайиб кетганлигига ажабланмаса ҳам бўлади. Умуман областда ғалла, каноп, мева ва узум ҳосилдорлиги ҳам камайиб кетди. Рентабеллиги паст бўлган хўжаликлар сони жуда суст камаймоқда. Айрим турдаги чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ҳамон зарар келтирмоқда.

Ўрта Чирчиқ районида бир ишнинг уддасидан чиқмай, зиён келтириб ишлаётган партия комитетлари, қатор колхозларнинг раҳбарларини масалага давлат, хўжалик манфаати нуқтаи-назаридан ёндошишяпти деб бўладими? Ахир шу районнинг ўзида Миразиз Рўзиматов раислик қилаётган Охунбобоев номли колхоз бор-ку. Бу колхоз меҳнаткашлари йилдан-йилга пахтадан юқори ҳосил етиштирмоқдалар. Ҳамма ишларни ўз кучлари билан тўла уддаламоқдалар.

Яна шуни ҳам унутмаслик керак. Бу хўжаликнинг экин майдонлари қўшиларникига қараганда яхши эмас. Техникаси ҳам анча кам. Лекин бу ерда энг муҳим нарса бор. У ҳам бўлса ерга, одамларга меҳр ва ҳурмат қарор топганлиги, ишга партиявий масъулият ва ўз бурчини чуқур англашдан иборатдир.

Илғор хўжалик билан ёнма-ён турган бошқа хўжаликлар йиллар давомида, рентабелсиз бўлиши ғайритабиийдир. Область партия комитети, область ижроия комитети, партия ва совет органлари, агросаноат ходимлари бундай практикага узил-кесил барҳам беришлари керак. Кадрларнинг ердан оқилона фойдаланишга, деҳқончилик маҳсулдорлиги ва барқарорлигига бўлган муносабати ва масъулиятини ошириш зарур. Ҳамма ерда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида интенсив технологиянинг жорий этилишини таъминлаш керак.

Бу масалада бутун диққат эътибор асосий экин — пахтачиликка қаратилиши лозим. Биз шуни унутмаслигимиз керакки, ўтган беш йилликда пахтачиликда эришилган натижаларни бузиб кўрсатиш, қўшиб ёзиш ва кўзбўямачилик ҳоллари рўй берди.

Умуман ўтган йилги қулай об-ҳаво шароитида ҳар бешта хўжаликдан биттаси, Оқ-қўрғон (ўртоқ Маҳсумов) ва Бекобод (ўртоқ Хатамов) районларида эса ҳар икки хўжаликдан биттаси пахта тайёрлаш планини бажара олмади. Бунинг устига Бекобод районида 40 процентга яқин пахта хом ашёси учинчи ва тўртинчи сортларга топширилди. Ўтган йилни якунлаб область партия комитети бюросида бўй ўзимизга ўзимиз: «рўй берган нуқсонлар ва қийинчиликларнинг бош сабаби нимада?» деган саволни бердик ва яна, область партия комитетининг раҳбарлик роли етарли бўлмаганлиги, партия комитети ва ташкилотлари томонидан олиб борилган ташкилотчилик ва сиёсий ишлар савиясининг пастлиги, топширилган иш учун жавобгарликни қатъий талаб қила олмаганлиги, пахтачиликдаги муаммоли вазифаларни қатъиятлик билан ва малакали ҳал этилмаганлигидадир, деган хулосага келдик. Бундай вазифалар ҳали олдимизда жуда кўп.

Уларнинг энг муҳими пахтанинг серҳосил, тезпишар, тола сифати юқори бўлган навларини синаб кўриш ва жорий этиш соҳасидаги олиб борилаётган ишларни жадаллаштириш билан боғлиқдир. Чунки бу соҳадаги аҳвол ҳозирги пайтда ғоят тиғиз бўлиб қолмоқда. Бундан 15 йил илгари районлаштирилган пахтанинг «Тошкент-1» ва «Тошкент-6» навлари бугунги кунда амалда ўзининг биологик сифатини йўқотди, вилт касаллигига чалинадиган бўлиб қолди. Бундан буён бу навнинг экилиши мўл ҳосил олинишини таъмин эта олмайди.

Бироқ шундай бўлишига қарамай ўтган давр мобайнида Зайцев номидаги пахта селекцияси ва уруғчилиги институти, «Союзхлопок» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг экспериментал биология институти сингари йирик илмий коллективлар қудратли ишлаб чиқариш базасига, малакали кадрларга эга бўлишларига қарамай пахтанинг вилтга чидамли, тезпишар, юқори ҳосилли, саноатнинг техник сифатларини қондирадиган, терим машиналаридан унумли фойдаланишни таъминлайдиган навларини, афсуски, ярата олмадилар.

Селекционерлар томонидан таклиф этилган пахтанинг «С-4880» нави бу талабларга баъзи жиҳатлардан жавоб берса ҳам бироқ унинг тола сифати тўқимачилик саноатининг талабларини тўла қондира олмайди.

Бугун биз олимларимиздан, институтларнинг раҳбарлари Мираҳмедов, Имомалиев ва бошқа ўртоқлардан улар бошчилик қилаётган коллективлардан, партия ташкилотларидан пахтакорлар учун яқин вақтлар ичида ҳозирги талабларга тўлатўкис жавоб берадиган навларни яратиш юзасидан қандай иш қилинаяпти, деб сўрашга ҳақлидирмиз.

Биз яна бир муҳим муаммони ҳал қилишимиз керак. Бу пахтачиликни комплекс механизациялаш ва юқори унумли, янги ва ишончли терим техникасини ишлаб чиқариш билан боғлиқдир. Бу ҳақда яқинда бўлиб ўтган Тошкент шаҳар партия конференциясида батафсил ва жиддий гапириб ўтилди. Биз бу муаммони сира кечиктирмасдан ҳал этишимиз керак.

Пахта теримини механизациялаштириш, бу биринчи навбатда сиёсий масаладир. Бу масала фақатгина қишлоқ меҳнаткашларининг меҳнатини енгиллаштирибгина қолмай, унинг ҳал этилиши шаҳарликлар, студентлар ва ўқувчиларни ҳар йили теримга жалб этиш натижасида халқ хўжалигига келтирилаётган зиённи анча камайтириш имконини беради.

Қишлоқ хўжалигини, жумладан, деҳқончиликни ривожлантириш муаммоларини ҳал эта туриб биз аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўла қондиришни ҳам ўз олдимизга аниқ мақсад қилиб қўйишимиз зарур.

Бугун биз бу соҳада йўл қўйилган нуқсон ва камчиликлар ҳақида область партия комитетининг бюро йиғилишларида жуда кўп гапирилганлигини очиқ айтиб ўтишимиз керак. Бироқ кўриниб турибдики, белгиланган тадбирлар ярим-ёрти амалга оширилди, қатъиятлик билан иш юритилмади. Бу ўринда айрим районлар ва хўжаликлар раҳбарларининг сиёсий жиҳатдан етук эмасликлари ҳам ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмади, албатта. Улар сабзавот ва мева етиштириш ишлари билан астойдил шуғулланиш ўрнига ерларнинг талон-тарож қилинишига йўл қўйдилар, «гектарчилар»га бериб қўйдилар ва оқибатда шахсий мулкка ҳирс қўйиш, текинхўрлик ва чайқовчилик сингари иллатларнинг томир ёйишига ҳомийлик қилдилар. Умуман олганда областда кейинги икки йил ичида сабзавот ва мевани харид қилиш ҳажми 16 процентга камайиб кетди, планга нисбатан 120 минг тоннадан кўпроқ маҳсулот кам етказиб берилди.

Ҳар йили етиштириладиган картошка, помидор, мева ва бошқа хилдаги маҳсулотларнинг деярли учдан бир қисми транспортларга ортиш, туширишда, қайта ишлаш ва сақлаш жараёнида йўқотилмоқда.

Область ижроия комитети, Тошкент шаҳар ижроия комитети дабдабали объектлар қурилиши учун маблағ ажратдилар-у, бироқ, сабзавот сақланадиган омборхоналар қурилиши ҳақида кам ўйладилар. Ваҳоланки, область савдо бошқармаси сабзавот сақланадиган омборларнинг чорагига эга. Улар ҳам жўнгина қурилган. Биргина Тошкент шаҳрининг ўзида ихтисослаштирилган магазинлар учун 17 минг квадрат метрдан ортиқ саҳнли савдо майдонлари етишмайди.

Ўн иккинчи беш йилликда қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан бири — жамоат чорвачилиги жадал суръатлар билан ривожлантирилиши керак. Чорвачилик масалалари область партия хўжалик активи йиғилишларида, область партия комитетининг бюро йиғилишлари ва секретариатида, партия комитетларида ҳар томонлама кўриб чиқилди. Бироқ биз бугун область партия комитети КПСС Марказий Комитети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг тавсияларини тўла бажармаганлигини айтиб ўтишимиз керак. Кейинги икки йиллик якунларига кўра, кўплаб чорва нобуд бўлганлиги, туёғи камайганлиги маълум бўлди. Область давлатга сут сотиш планини бажара олмади.

Кўпгина партия ташкилотл

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ ИШИ ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ

(Боши 1 ва 2-бетларда).

экскаватор заводининг янги қуюв цехи қурилиши 8 йилдан буён чўзиб келинаётганлиги экономика учун қанчалик қимматга тушаётганлигини билиб олиш қийин эмас.

Бошқа масалаларни ҳам унутмаслик керак. Буюртмачиларнинг планлаштириш, пул билан таъминлаш, моддий-техника таъминотидаги хатолари қурилиш муддатларини чўзиб юбориш билан бирга қурувчиларнинг ўзига ҳам қимматга тушади. Ўн биринчи беш йиллик давомида объектларнинг ўз вақтида ишга туширилмаганлиги учун тўланган жарималар ўн баравар кўпайиб кетди. Бу айниқса, Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва «Ангрен» кўмир разрезлари учун характерлидир. Уларда ўн иккинчи беш йиллик планини тузиш, қурилишни ускуналар ва мутахассислар билан комплектлашда яна хатоликларга йўл қўйилди. Бу қанақаси, буюртмачи ҳамма айони пудратчига тўнкайди, пудратчи эса аксинча айбдор буюртмачиларнинг ўзлари деб туриб олади! Бундай ярамас практикага барҳам бериш керак.

Ўзаро мажбурият шартларининг ҳар қандай ҳолатда бузилиши учун давлат чиқимдор бўлмаслиги, аксинча ишни барбод берган айбдорлар конкрет аниқланиб, улар жавобгар қилиниши лозим. Қурувчилар жуда тўғри мулоҳаза юритишади: ишни эплай олмаган айбдорлар ўз ёнларидан жарақ-жарақ пуллар чиқариб жарима тўлаганларида эди — бу улар учун, хўжасизликка йўл қўяётганлар учун жуда катта сабоқ бўлур эди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг капитал қурилишда индустриалаштиришни янада ривожлантириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш тўғрисидаги қарорида муҳим вазифа қўйилган. Бу вазифа беш йилликда меҳнат унумдорлигини ўстиришнинг камида учдан бир қисмига ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, ноҳофғарчиликларни ва иш вақтининг унумсиз ўтишини камайтириш ҳисобига эришишни таъминлаштиради.

Танлаб ўтказилган текширишлардан олинган маълумотлардан шу нарса маълум бўлдики, «Минмонтажспецстрой» ва «Главташкентстрой» бўлинмаларининг ўзида 13 процентгача машина ва механизмлар ички сменалар вақтида бекор туриб қолади, машиналарнинг сменали коэффициенти жуда паст. Ҳар олти ишчидан бири бу ерда меҳнат шароитларининг яхши эмаслиги туфайли ишдан бўшаб кетаётганлигига ажабланмаса ҳам бўлади. Модомики аҳвол шундай экан республика қурилиш министрлигининг 4-ва 6-трест бошқарувчилари Абдужабборов ва Носиров, «Главташкентстрой»нинг «Чимганстрой» трести бошқарувчиси Гринман ва бошқа бир қатор раҳбарларнинг ўз камчиликларини хаспўшлаб, қурилишларда техника етишмаслигидан нолиётганликларини қандай баҳолаш мумкин? Ахир мавжуд машина ва механизмларнинг кўпи бекор турибди-ку.

Бўшанглик, масъулиятсизлик ҳамма жойда хавфли, айниқса турар-жой қурилишида бунга чидаб бўлмайди. Областда турар-жойлар, мактабгача болалар муассасалари, маданий-маиший объектлар қурилиш планлари узлуксиз бажарилмасдан келмоқда. Ўтган беш йилликда фақатгина Тошкент қурувчиларининг ўзи ярим миллион квадрат метрга яқин турар-жойни фойдаланишга топширмадилар. Бу ғоят ташвишли рақамдир. Оқибатда ноқулай, эски уйларда истиқомат қилаётган 40 мингга яқин оиланинг ҳар тўртдан бири уй тўйи ўтказиш имкониятидан маҳрум бўлиб қолди. Бунга аввало Тошкент шаҳар партия комитети, шаҳар ижроия комитети, «Главташкентстрой» айбдордир.

Шаҳар қурилиши муаммолари комплекс ҳал этилмаётганлиги, шаҳар ерларидан самарали фойдаланилмаётганлиги, турар-жойларни лойиҳалаш ва қурилиш ишларига енгил-елпи муносабатда бўлиш ҳоллари давом этаётганлиги ташвишлантиради.

Тошкент шаҳрининг Фарҳод кўчасидаги иккита янги уй қурилиши воқеасидан конференция делегатлари хабардор бўлсалар керак. «Ташгипрогор» мутахассисларининг ҳисоб-китобни пухта қилмаганликлари, бу жой замини қандайлигига баҳо беришга масъулиятсизлик билан ёндошганликлари туфайли қуриб битказилган уйлар чўкиб, авария ҳолатига келиб қолди. Уйга кўчиб киролмай қолганларнинг қандай аҳволга тушиб ранжиганларини тасаввур қилиш қийин эмас. Бироқ Октябрь район партия комитети (ўртоқ Асқаров)нинг позициясига тушуниб бўлмайди. Нега шу пайтгача бу фактларга принципиал баҳо берилмади?

Область партия комитети қурилиш бўлими ва унинг мудири, область комитетининг аъзоси ўртоқ Тернових асосий диққат-эътиборни турар-жой қурилиши, айниқса қурилиш сифатига қарата олмаётганлигини бугун очиқ айтиб ўтиш керак.

Область партия комитети, шаҳар ва район партия комитетлари, министрликлар, қурилиш ташкилотлари ва буюртмачиларнинг партия ташкилотлари бундан ўзларига тегишли хулоса чиқариб олишлари зарур. Ишларнинг ҳозиргидек савияда ва ҳозиргидек сифатда бўлиши билан биз бундан буён асло келиша олмаймиз. Коммунистларнинг, ҳар бир ходимнинг қурилиш конвейерининг барча бўғинларида ишни тубдан қайта қуриш, интизомни мустаҳкамлаш, назоратни кучайтириш, тармоқнинг самарадорлигини ошириш учун масъулиятини амалда кучайтиришга эришиш лозим.

Кейинги йилларда транспортдаги ишларни яхшилаш, бу муҳим участкадаги одат тусига айланиб қолган қолоқликни тугатиш юзасидан бирмунча ишлар қилинди. Бироқ биз транспортни ривожлантиришга ҳали етарлича эътибор бермаяпмиз. Ҳажм кўрсаткичларини бажаришда узоқ вақтлардан буён маълум бир меъёрга эришилмаяпти. Ўрта Осиё темир йўли Тошкент бўлинмаси, Сергели ва Тошкент авиакорхоналарида ташиш ишлари жараёнларида барча бўғинларнинг пухта ҳамкорлиги таъминланмаяпти.

Пассажир ва юк ташиш область автотрестларининг моддий-техника базаси, у ердаги автотранспортлардан фойдаланиш халқ хўжалиги юклари ва пассажирларни ташишга бўлган эҳтиёжни амалда қондира олмаяпти. Пойтахт пассажир транспорти ҳамон ниҳоятда қониқарсиз ишламоқда.

Транспортнинг барча турларида хавфсизликни таъминлаш партия ташкилотларининг доимий диққат-эътиборида туриши керак бўлган масалалардандир.

Тармоққа партия раҳбарлигини кучайтириш тўғрисида гап борар экан асосий эътиборни аввало транспорт алоқаларини рационализациялаш масаласини ҳал этишга қаратиш керак. Халқ депутатлари область, шаҳар ва район советлари ижроия комитетларининг план комиссиялари юк ташишда юзага келган аҳволни чуқурроқ таҳлил этишлари, маҳсулотларни, хом ашё ва материалларни, пассажирларни ташишнинг энг мақбул схемаларини ишлаб чиқишлари керак. Хўжалик раҳбарларидан барча турдаги транспортдан самарадорлик билан фойдаланилиши, айниқса корхоналарга кириладиган йўлларда юк ортиш ва туширишларининг тезлаштирилиши учун талабчанликни кучайтириш зарур.

КПССнинг янги таҳрирдаги Программа лойиҳасида таъкидланганидек, фан-техника тараққиёти халқ хўжалигини интенсивлаш, соцнал иқтисодий ривожланишни тезлаштиришда бош стратегик омил, зарбдор куч бўлиб хизмат қилиши керак.

Агар Тошкент областида республикадаги жами илмий тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртларининг ярмидан кўпи, илмий кучларнинг тўртдан уч қисми жойлашганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, у ҳолда партия комитетлари ва ташкилотлари зиммасига бу улкан потенциалдан самарадорлик билан фойдаланишда қандай катта вазифа ва масъулият юклатилганлигини тасаввур қилиш қийин эмас.

Бироқ биз уларнинг ишига ҳар жиҳатдан партиявий таъсир кўрсата олмадик. Оқибатда кўпгина илмий тадқиқотлар иккинчи даражали, аҳамияти кам бўлган масалалар билан чекланиб қолмоқда. Докторлик ва кандидатлик диссертациялари сони кўпайган-у, бироқ шунга қарамасдан беш йилликда олий ўқув юртлари бўйича илмий-техника ечимларини жорий этиш юзасидан кўрилган самара 2 миллион сўмга, академия институтлари бўйича эса 4 миллион сўмга камайган. Тақдим этилган ҳар олти ишдан фақат битраси ихтиро сифатида тасдиқланмоқда.

Тошкент шаҳар партия комитети бу масалалар билан чуқур шуғулланмаётганлигини айтиб ўтиш керак. Область партия комитетининг фан ва олий ўқув юртлари бўлими ҳам фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга чинакам партиявий таъсир кўрсатмаяпти. Бўлим ходимлари ҳамон эскирган тушунчалар асосида фикрлаб иш юритмоқдалар. Бюро аъзолари Камолхўжаев, Гордиенко ўртоқлар фан-техника тараққиёти билан боғлиқ бўлган актуал проблемаларни доимий диққат эътиборда тутмоқдалар, область партия комитети бўлимларининг фаолиятини бу масалаларга йўналтирмоқдалар, деб айта олмаймиз.

Область партия комитетига кейинги вақтларда фан-техника тараққиёти асосида халқ хўжалигини интенсивлашга оид турли масалалар бўйича кўплаб таклифлар келиб турибди. Бир қатор раҳбарлар, партия ходимлари Ленинградда бўлган семинарда қатнашдилар ва у ерда комплекс территориал-тармоқ планлаштириш бўйича тўпланган бой тажрибалар билан танишдилар. Бу тажрибанинг кенг оммалаштирилиши партия ташкилотларининг доимий диққат-эътиборида бўлиши керак. Область партия комитети эса Ленинградликлар тажрибаси асосида областимиз халқ хўжалигини интенсивлаштириш комплекс программасини ишлаб чиқишни тезлаштириши зарур.

КПСС Марказий Комитети июнь. (1983 йил) Пленуми қарорлари ва 1984 йил декабрда КПСС Марказий Комитетида бўлиб ўтган идеология масалаларига бағишланган илмий-амалий конференция тавсияларида кўрсатилганидек, партия белгилаб берган йўлни идеология, сиёсий-тарбиявий ишларни тубдан яхшиламай, ижодий кучларни ҳаракатга келтирмай амалга ошириш мумкин эмас. Бу тадбирлар меҳнаткашларнинг меҳнатда ва ижтимоий ҳаётда активлигини оширишга хизмат қилмоғи лозим.

Маълумки, областда ғоявий-тарбиявий ишларни йўлга қўйишдаги камчиликлар жойларда салбий ҳолатларнинг авж олишига кўп жиҳатдан таъсир кўрсатди, ахлоқий бузилишларга, коммунистик ахлоқ ва партия принципларидан жиддий чекинишларга олиб келди. Қўшиб ёзиш ва кўзбўямачилик идеология ишига ҳам кириб келди.

Бу ярамас практика қандай оқибатга олиб келганлигини Оҳангарон район партия комитети фаолиятида яққол кўриш мумкин. Партия комитети, кўпгина бошланғич партия ташкилотлари идеология ва сиёсий тарбиявий ишларни амалда унутиб қўйдилар, хўжасизлик, бўшангликка йўл қўйдилар. Натижада план ва мажбуриятларнинг бажарилиши сурункасига барбод қилинаверди. Қўшиб ёзиш, кўзбўямачилик, халқ мулкини талон-тарож қилиш авж олди. Район партия комитети долзарб масалалардан кўз юмди, камчиликларни ва ишдаги қийинчиликларни хас-пўшлашга уринди, кадрларга нисбатан принципсизлик билан либералларча муносабатда бўлди, уларда ўз-ўзини танқид қилиш ва большевикча камтарлик ҳисларини тарбиялама-ди. Районда волюнтаризм, қариндош-уруғчилик ва маҳаллийчилик оддий ҳолга айланиб қолди, хусусий мулкчилик кенг авж олди. Район партия комитетининг собиқ секретарлари Икромов, Артемьев, Қаршибоева, пропаганда ва агитация бўлими мудири Йўлдошевлар мавжуд камчиликлар тўғрисида ғазабланиб сўзлардилар ва ҳаммани бунга қарши курашга чақирардилар. Амалда эса салбий ҳолатларнинг илдиз отиб кетишига бевосита сабабчи бўлдилар, юлғичлик ва мансабни суиистеъмол қилиш йўлига ўтиб олдилар.

Бундай фактлар Бўка, Ўрта Чирчиқ, Янгийўл район партия комитетлари фаолиятида ва бошқа жойларда ҳам содир бўлди. Область партия комитети бундай салбий ҳолатларга принципиал баҳо бермоқда, ғоявий-тарбиявий ва оммавий-сиёсий ишларни яхшилашга қаратилган тадбирлар амалга оширилмоқда. Область партия комитети бюроси ва секретариатида идеология масалаларини кўриб чиқиш анча чуқур ва комплекс характерда бўлмоқда, амалиёт билан узвий боғлаб олиб борилмоқда. Ҳисобот даврида Бўстонлиқ, Собир Раҳимов районлари, бир қатор районларнинг бошланғич партия ташкилотлари фаолиятлари жиддий танқидий таҳлил қилинди. Уларда одамларни ҳозирги замон талаблари руҳида тарбиялаш соҳасида олиб борилаётган ишларнинг форма ва методларида туб ўзгариш бўлишига эришилмаганлиги кўрсатилди.

Идеологияда қилинган ишга «қанча ўқитилганлиги», «қамраб олинганлиги»га қараб баҳо бериш сингари қоралланган услублар ўрнини одамлар тўғрисида чинакамига ғамхўрлик қилиш, улар билан жиддий, очиқчасига ва тўғри гаплашиш сингари методлар эгалламоқда. Ягона сиёсий кунлар, идеологик планёркаларнинг таъсирчанлиги ошаётганлиги, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ташаббуси билан Чирчиқ шаҳри, Коммунистик ва Тошкент районлари базасида партия маорифи ва иқтисодий таълим соҳасида ўтказилаётган тажриба-эксперименталр яхши самара бераётгани ҳақида ҳозироқ айтиб ўтиш мумкин.

Лекин шунга қарамасдан идеология, сиёсий-тарбиявий ишлар сезиларли яхшиланганлиги ҳақида гапиришга ҳали эртадир. Бу муҳим ишда бизда ҳали эскича йўлдан чиқиб олиш учун жасорат етишмаяпти, пухта ўйланмай тузиладиган тадбирлар, ортиқча шовқин-суронлар, ваъзхонлик ва расмиятчилик сингари иллатлардан батамом ҳоли бўла олмаяпмиз.

Бунинг учун айбнинг каттагина қисми область партия комитети, унинг пропаганда ва агитация бўлимига тушади. Бўлим кўп ҳолларда қоғознинг кучига ишониб қолмоқда, жойлардаги аҳволни чуқур ва атрофлича ўрганиш ўрнига телефонда маълумот-ахборотлар йиғиш билан шуғулланмоқда.

Ғоявий-ахлоқий тарбиянинг экономикамизни ривожлантиришни жадаллаштириш вазифалари билан узвий боғлиқлигини таъминлаш бугунги кунда идеология ишларига киритиш лозим бўлган ўзгартишларнинг моҳиятини ташкил этади. Бўлиб ўтган шаҳар ва район партия конференцияларининг делегатлари жуда ҳаққоний равишда таъкидлаб ўтганларидек, область партия комитети, шаҳар ва район партия комитетлари ишидаги камчиликлар туфайли партия сиёсий ва иқтисодий таълимнинг, оғзаки ва кўргазмали агитациянинг, лекция пропагандасининг кишиларнинг меҳнат ва ижтимоий-сиёсий активлигига таъсири мутлақо етишмайди.

Партия сиёсий ва иқтисодий ўқувининг роли ва аҳамиятига ҳали ҳам етарлича баҳо берилмаяпти. Масалан, Калинин районида иқтисодий таълим системасида шуғулланаётганларнинг сони йилдан йилга камайиб бормоқда. Район партия комитети, унинг собиқ секретари ўртоқ Исроилова эса бу камчиликларни бартараф этиш ўрнига ўз фаолиятсизликларини қалбаки ҳисоботнинг «чиройли» ниқоби билан яширишга қарор қилишди. Улар райондаги иқтисодий таълимнинг амалдаги кўрсаткичларини олти марта ошириб кўрсатишди.

Чиноз районида лекция пропагандасида жиддий камчиликлар мавжудлиги аниқланди. Кейинги уч йил мобайнида лекция пропагандаси масалалари район партия комитети пленумлари ва бюроларида муҳокама этилмади. Лектор кадрларнинг аттестацияси номигагина ўтказилди. Сиёсий докладчиларнинг ҳар олти нафаридан бири ягона сиёсий кунларда иштирок этмаяпти. Кўпгина лекциялар савияси жуда паст. Ҳар умумий тарзда бўлиб, ҳаётдан ажралиб қолган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Область партия комитети, партия комитетлари ва ташкилотлари сиёсий-тарбиявий ишлар ва марксча-ленинча таълимга раҳбарликни сезиларли даражада яхшилашга даъват этилгандирлар. Бизнинг фикримизча, сиёсий ва иқтисодий таълимнинг бутун системасини ишлаб чиқаришни интенсивлаш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш масалаларини ўрганишга ўтказиш тўғрисида ўйлаб кўриш ва бу ҳақда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига конкрет таклифлар киритиш лозим.

Область партия комитети ўзининг кундалик фаолиятида тарбияга узлуксиз жараён сифатида қараб келди ва шундай деб қарайди. Бу жараён совет кишиси ишлаётган, ўқиётган, яшаб, дам олаётган ҳамма жойда давом этади. Халқ маорифи системаси бу занжирда муҳим халқадир. Ҳисобот даврида умумтаълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилиш масалалари алоҳида ўрин эгаллади. Область партия комитети, шаҳар ва район партия комитетларининг пленумлари, халқ депутатлари советларининг сессияларида ислоҳотни амалга ошириш юзасидан амалий тадбирлар ишлаб чиқилди.

Бироқ область партия комитети фан ва ўқув юртлари бўлими ҳозирча ислоҳотни амалга оширишга тааллуқли барча бўғинлар куч-ғайратини бирлаштиришга, уларнинг ижодий изланишини ягона йўналишга қаратишга муваффақ бўлгани йўқ.

Ўтган беш йилликда планлаштирилган ҳунар-техника билим юртларининг атиги ярмиси ишга туширилганлиги, мактаб ва мактабгача тарбия муассасаларининг ҳар тўртдасидан биттаси кечикиб ва катта камчиликлар билан фойдаланишга топширилаётганлиги сингари ҳунук ҳолларни фақат область партия комитети томонидан зарур даражада талабчанлик ва қатъият кўрсатилмаганлиги, район партия комитетларининг бу ишга масъулиятсизлик билан муносабатда бўлиши билангина изоҳлаш мумкин. Областдаги ҳунар техника билим юртларида 56 та ихтисослик бўйича устахона йўқ. Бўстонлиқ, Бўка, Оржоникидзе, Пискент, Тошкент районларининг мактабларида слесарлик, дурадгорлик, тикувчилик устахоналари етишмайди. Бу масалаларни ҳал этишга бутун чоралар билан кўмаклашишга даъват этилган база корхоналар эса амалий ишга киришганлари йўқ. Ҳунар-техника билим юртлари областда малакали ишчи кадрларга бўлган эҳтиёжнинг фақат учдан бир қисмини қондиряпти. Ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишда ҳали ҳам жиддий камчиликлар учраб турибди.

Бу камчиликларнинг кўпчилиги область ижроия комитети раисининг собиқ ўринбосари Йўлдошеванинг ишни бўш олиб борганлиги билан бевосита боғлиқ. Бу энг аввало кадрларга талабчанлик билан муносабатда бўлинмаганлиги оқибатидир. Область халқ маорифи бўлимининг собиқ мудири Назаров халқ маорифида тасодифий киши бўлиб чиқди. У КПСС safidan ўчирилиб, жиноий жавобгарликка тортилди.

Конференция область партия комитети, шаҳар ва район партия комитетлари, область халқ маорифи бўлими ва Тошкент шаҳар халқ маорифи Бош бошқармаси, область ва Тошкент шаҳар ҳунар-техника таълими бошқармаларидан, барча манфаатдор ташкилотлардан ислоҳотни амалга оширишдаги ишларни тубдан яхшилашни, ташаббускорлик кўрсатиб, ижодий иш олиб боришни талаб қилишга ҳақли. Бугун ҳар биримиз социал-иқтисодий ривожланишни жадаллаштиришнинг мураккаб ва кенг кўламли вазифаларини ким ва қандай ғоявий-ҳаётий тажриба билан ҳал қилишига тааллуқли ва масъул эканлигимиз тўғрисида ўзимизга хулоса чиқариб олишимиз керак.

Бу олий ва ўрта махсус ўқув юртлари партия ташкилотлари, педагогик коллективларга тўла-тўкис тааллуқлидир. Бугунги кунда улардан замонавий фан ва техника ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ихтисосликлар ва ўқув программалари структурасини жиддий қайта қуриш талаб этилади. Бироқ бу соҳадаги ўзгаришлар ҳали жуда ҳам сезиларли эмас. Малакали кадрлар тайёрлашни планлаштириш, уларни ўқитиш ва тақсимлашда жиддий нуқсонлар бор. Областда ҳали ҳам электр инженерларига бўлган эҳтиёж кескинлигича қолмоқда. Қишлоқларда врачлар, ўқитувчилар етишмайди. Машинасозлик ва озиқ-овқат саноати корхоналарида, қурилиш ташкилотларида мутахассислиқ талаб қилинадиган ҳар тўрт лавозимдан биттасини амалиётчилар эгаллаб турибди. Енгил саноатда эса ана шундай лавозимларнинг ҳар учтасидан биттасида амалиётчилар ишламоқда. Шунга қарамасдан партия комитетлари ва ташкилотлари халқ хўжалиги мутахассисларидан 1,5 минг нафардан кўпроғи савдо соҳасида ишлаётганлиги тўғрисидаги ташвишли ҳолга етарли аҳамият бермаяптилар.

Область партия комитети, шаҳар ва район партия комитетлари партия ташкилотлари, педагогик коллективларнинг куч-ғайратини халқ хўжалигининг мутахассисларга бўлган талабини қондиришни таъминлашга қаратишлари зарур. Бу мутахассислар ўзларида юксак касб тайёргарлиги, ғоявий-сиёсий етуклик, мустақил, ижодий фикр юритиш қобилиятини мужассамлантирган бўлишлари керак.

Инсоннинг ғоявий-маънавий дунёси, унинг ҳаётий қарашлари фақат меҳнатда, ўқиш ва ижтимоий фаолиятдагина эмас, шунингдек оилада ҳам шаклланади. Партия ташкилотлари оилавий муносабатларда айниқса ўтмиш қарқитлари, диний хурофотлар яшовчан эканлигини, хотин-қизларга феодал-бойларча муносабатда бўлишнинг ҳунук ҳоллари, аёлларнинг қадр-қиммати тўғридан-тўғри камситилиши учраётганлигини ёддан чиқармасликлари лозим. Отаоналарнинг бойликка ҳирс қўйиши, болаларни бошанг кийинтириш ва зеби-зийнатлар билан ясантиришга бўлган интилиши ёшларнинг тарбиясига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бировлар ҳисобига кун кўриш, ўзига эрк бериш ва шахсиятпарастлик психологияси кўпинча оиладан бошланади. Бу ҳолларда коммунистлар, раҳбарларга нисбатан жиддий талаблар қўйилиши керак. Область партия комитети Акмал Икромов район партия комитетининг собиқ секретари Низомова, Калинин район ижроия комитети раисининг ўринбосари Аҳмедов, Тошкент шаҳар прокурори Фозилов оиласида юз берган ҳоллларга принципиал баҳо берди. Паркент район партия комитетининг собиқ секретари Мақсудов маънавий жиҳатдан айниган киши бўлиб чиқди. Унинг ғоявий тубанлиги шу даражага бориб етдики, ўғлини институтга киритиш пайтида қалбаки ҳужжатлар тайёрлаб берди, унинг армия хизматидан бўйин товлашига хайрихоҳ бўлди. Ана шунақанги тарбияда бошқа ўғлининг чайқовчилик учун жиноий жавобгарликка тортилганлигига ажабланмаса ҳам бўлади. Шуларнинг ҳаммаси учун Мақсудов хизмат вазифасидан бўшатилди ва партия safidan ўчирилди.

Оила тўғрисида ғамхўрлик, турар-жойларда тарбиявий ишларни яхшилаш масалаларини комплекс ҳал қилиш аҳоли бўш вақтини мазмунли ташкил этиш билан бевосита боғлиқ. КПСС Марказий Комитетининг «Клуб муассасалари ва спорт иншоотларидан фойдаланишни яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинганидан буён анчагина вақт ўтди. Область партия-хўжалик активи йиғилишида бу қарорни бажариш юзасидан яхши тадбирлар белгиланган эди. Хўш натижа қандай бўлди? Бу натижа ҳали қониқарли эмас.

Турли тадбирлар ўтказиш пайтида стадионлар, кўпгина маданий-маърифий муассасаларнинг ярми ҳам тўлмайди. Авария ҳолатида бўлган клуб ва кутубхоналарнинг ярмидан кўпроғи ҳанузгача ремонт қилинмаган. Кўпгина шаҳар ва районларда маданий спорт комплекслари ташкил этиш иши ҳалигача жойидан қўзғалмаяпти. Физкультуранинг оммавийлиги, спортчиларнинг маҳорати секинлик билан ортмоқда. Маданият ва спорт муассасаларида турли корчалонлар ва кўзбўямачиларга қарши кураш бўш олиб борилаяпти.

Ишга бундай муносабатда бўлишга барҳам бериш зарур. Биз маданият ва спорт муассасаларининг меҳнаткашларни ғоявий-ахлоқий тарбиялаш, маънавий ва жисмоний камол топтириш, турмушимизни ичкиликбозлик ва бошқа жамиятимизга ёт кўринишлардан халос этиш учун курашда партия ташкилотларининг таянч марказлари сифатидаги ролини амалда кўтаришимиз керак.

Конференция делегатлари областда партия ва ҳукуматимизнинг ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш тўғрисидаги қарорларини бажариш юзасидан чоралар кўрилаётганлигидан хабардордирлар. Аммо Олмалиқ шаҳар ва Ленин район партия комитетларининг область партия комитетининг пленумидаги ҳисоботлари шуни кўрсатдики, партия ташкилотлари, халқ депутатлари Советларининг ижроия комитетлари, маъмурий органлар соғлом турмуш тарзи учун курашда биргалашиб ҳаракат қилишга эриша олмаганлар. Ҳали ҳам спиртли ичимликларни ўқув юртларида, корхона ва ташкилотлар яқинида сотиш ҳоллари учраб турибди. Ичкиликбозлик эса турли жиноятлар ва қонунбузарликларга олиб келмоқда. Содир бўлаётган жиноят ва қонунбузарликларнинг ҳар тўрттасидан биттаси мастлик оқибатидир.

Тошкент шаҳридаги партия комитетлари бу соҳадаги ўз ишларининг натижаларига ҳамиша ҳам танқидий баҳо бермаяптилар.

Ваҳоланки бу ерда алкоголизм, текинхўрлик ва қонунбузарликларга қарши кураш масалалари айниқса кескин турибди.

Ангрен, Олмалиқ, Бекобод шаҳарлари, Паркент, Пискент, Янгийўл ва областдаги бошқа районлар партия комитетлари ҳам бу муҳим масалага муносабатларини қатъиян ўзгартишлари зарур.

Баъзи жойларда КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукуматининг интизом ва тартибни мустаҳкамлаш тўғрисидаги қарорларини бажаришда анчагина бўшашувчанликка, муросасозликка йўл қўйилмоқда. Биргина область саноати ва қурилишида прогуллар, бутун сменалар давомида ва смена ичида бўш туриб қолишлар натижасида иш вақтининг 14 процентдан кўпроғи йўқотилмоқда.

Ҳамма даражадаги партия комитетлари бундай ҳолларга жуда принципиал баҳо бериш керак, деган фикрга делегатлар ҳам қўшиладилар, деб ўйлаймиз. Социалистик интизомга риоя қилиш турмушимиз нормаси, ҳаммаларнинг ва ҳар бир кишининг бурчи бўлиши зарур.

КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленумида таъкидлаб ўтилганидек, ғоявий-ахлоқий ишда партия комитетлари энг аввало синфий позициядан келиб чиқишлари керак. Икки иҳтимоий система ўртасидаги мафкуравий кураш кучайиб бораётган шароитда партия комитетларининг қарши пропаганда ишлари тобора каттароқ аҳамият касб этади. Биз камчиликларга йўл қўяётган, беparволик қилаётган жойларда айрим кишиларнинг қарашлари ва юришларига ёт таъсир учун иконият пайдо бўлади. Партия ташкилотларининг аралашмаслиги, баъзи адабиёт ва санъат вакилларининг пассив, айрим ҳолларда эса сиёсий етук бўлмаган позициялари туфайли ҳали ҳам китоблар саҳифаларида, кинотеатрлар экранларида, театр ва эстрада, клуб ва маданият уйлари саҳналарида тутуриқсиз ва ахлоқсиз, айрим ҳолларда эса ғоявий жиҳатдан зарарли асарлар пайдо бўлаяпти.

Ижодий союзларнинг бошланғич партия ташкилотлари, Тошкент шаҳар партия комитети ва унинг идеология бўйича секретари ўртоқ Гончарова ижодкор зиёлилар, театр ва концерт ташкилотлари коллективларининг ғоявий-сиёсий тарбияси, уларнинг корхона ва хўжаликлар меҳнаткашлари билан алоқаларини мустаҳкамлаш масалалари билан кам шуғулланишмоқда.

Ғарб пропагандаси жамиятимиз ахлоқий негизларини кўпоришга уриниб, кейинги пайтларда видеофильмларга бўлган қизиқишдан актив фойдаланишни яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинганидан буён анчагина вақт ўтди. Область партия-хўжалик активи йиғилишида бу қарорни бажариш юзасидан яхши тадбирлар белгиланган эди. Хўш натижа қандай бўлди? Бу натижа ҳали қониқарли эмас.

Турли тадбирлар ўтказиш пайтида стадионлар, кўпгина маданий-маърифий муассасаларнинг ярми ҳам тўлмайди. Авария ҳолатида бўлган клуб ва кутубхоналарнинг ярмидан кўпроғи ҳанузгача ремонт қилинмаган. Кўпгина шаҳар ва районларда маданий спорт комплекслари ташкил этиш иши ҳалигача жойидан қўзғалмаяпти. Физкультуранинг оммавийлиги, спортчиларнинг маҳорати секинлик билан ортмоқда. Маданият ва спорт муассасаларида турли корчалонлар ва кўзбўямачиларга қарши кураш бўш олиб борилаяпти.

Ишга бундай муносабатда бўлишга барҳам бериш зарур. Биз маданият ва спорт муассасаларининг меҳнаткашларни ғоявий-ахлоқий тарбиялаш, маънавий ва жисмоний камол топтириш, турмушимизни ичкиликбозлик ва бошқа жамиятимизга ёт кўринишлардан халос этиш учун курашда партия ташкилотларининг таянч марказлари сифатидаги ролини амалда кўтаришимиз керак.

Конференция делегатлари областда партия ва ҳукуматимизнинг ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш тўғрисидаги қарорларини бажариш юзасидан чоралар кўрилаётганлигидан хабардордирлар. Аммо Олмалиқ шаҳар ва Ленин район партия комитетларининг область партия комитетининг пленумидаги ҳисоботлари шуни кўрсатдики, партия ташкилотлари, халқ депутатлари Советларининг ижроия комитетлари, маъмурий органлар соғлом турмуш тарзи учун курашда биргалашиб ҳаракат қилишга эриша олмаганлар. Ҳали ҳам спиртли ичимликларни ўқув юртларида, корхона ва ташкилотлар яқинида сотиш ҳоллари учраб турибди. Ичкиликбозлик эса турли жиноятлар ва қонунбузарликларга олиб келмоқда. Содир бўлаётган жиноят ва қонунбузарликларнинг ҳар тўрттасидан биттаси мастлик оқибатидир.

Тошкент шаҳридаги партия комитетлари бу соҳадаги ўз ишларининг натижаларига ҳамиша ҳам танқидий баҳо бермаяптилар.

Ваҳоланки бу ерда алкоголизм, текинхўрлик ва қонунбузарликларга қарши кураш масалалари айниқса кескин турибди.

Ангрен, Олмалиқ, Бекобод шаҳарлари, Паркент, Пискент, Янгийўл ва областдаги бошқа районлар партия комитетлари ҳам бу муҳим масалага муносабатларини қатъиян ўзгартишлари зарур.

Баъзи жойларда КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукуматининг интизом ва тартибни мустаҳкамлаш тўғрисидаги қарорларини бажаришда анчагина бўшашувчанликка, муросасозликка йўл қўйилмоқда. Биргина область саноати ва қурилишида прогуллар, бутун сменалар давомида ва смена ичида бўш туриб қолишлар натижасида иш вақтининг 14 процентдан кўпроғи йўқотилмоқда.

Ҳамма даражадаги партия комитетлари бундай ҳолларга жуда принципиал баҳо бериш керак, деган фикрга делегатлар ҳам қўшиладилар, деб ўйлаймиз. Социалистик интизомга риоя қилиш турмушимиз нормаси, ҳаммаларнинг ва ҳар бир кишининг бурчи бўлиши зарур.

КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленумида таъкидлаб ўтилганидек, ғоявий-ахлоқий ишда партия комитетлари энг аввало синфий позициядан келиб чиқишлари керак. Икки иҳтимоий система ўртасидаги мафкуравий кураш кучайиб бораётган шароитда партия комитетларининг қарши пропаганда ишлари тобора каттароқ аҳамият касб этади. Биз камчиликларга йўл қўяётган, беparволик қилаётган жойларда айрим кишиларнинг қарашлари ва юришларига ёт таъсир учун иконият пайдо бўлади. Партия ташкилотларининг аралашмаслиги, баъзи адабиёт ва санъат вакилларининг пассив, айрим ҳолларда эса сиёсий етук бўлмаган позициялари туфайли ҳали ҳам китоблар саҳифаларида, кинотеатрлар экранларида, театр ва эстрада, клуб ва маданият уйлари саҳналарида тутуриқсиз ва ахлоқсиз, айрим ҳолларда эса ғоявий жиҳатдан зарарли асарлар пайдо бўлаяпти.

Ижодий союзларнинг бошланғич партия ташкилотлари, Тошкент шаҳар партия комитети ва унинг идеология бўйича секретари ўртоқ Гончарова ижодкор зиёлилар, театр ва концерт ташкилотлари коллективларининг ғоявий-сиёсий тарбияси, уларнинг корхона ва хўжаликлар меҳнаткашлари билан алоқаларини мустаҳкамлаш масалалари билан кам шуғулланишмоқда.

Ғарб пропагандаси жамиятимиз ахлоқий негизларини кўпоришга уриниб, кейинги пайтларда видеофильмларга бўлган қизиқишдан актив фойдаланишни яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинганидан буён анчагина вақт ўтди. Область партия-хўжалик активи йиғилишида бу қарорни бажариш юзасидан яхши тадбирлар белгиланган эди. Хўш натижа қандай бўлди? Бу натижа ҳали қониқарли эмас.

Турли тадбирлар ўтказиш пайтида стадионлар, кўпгина маданий-маърифий муассасаларнинг ярми ҳам тўлмайди. Авария ҳолатида бўлган клуб ва кутубхоналарнинг ярмидан кўпроғи ҳанузгача ремонт қилинмаган. Кўпгина шаҳар ва районларда маданий спорт комплекслари ташкил этиш иши ҳалигача жойидан қўзғалмаяпти. Физкультуранинг оммавийлиги, спортчиларнинг маҳорати секинлик билан ортмоқда. Маданият ва спорт муассасаларида турли корчалонлар ва кўзбўямачиларга қарши кураш бўш олиб борилаяпти.

Ишга бундай муносабатда бўлишга барҳам бериш зарур. Биз маданият ва спорт муассасаларининг меҳнаткашларни ғоявий-ахлоқий тарбиялаш, маънавий ва жисмоний камол топтириш, турмушимизни ичкиликбозлик ва бошқа жамиятимизга ёт кўринишлардан халос этиш

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ ИШИ ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ

(Боши 3-бетда)

бўш таъсир кўрсатаётганликларини, социал-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш бўйича партия ва давлат қарорларини бажаришни контроль қилиш юзасидан ўзларининг катта имкониятларидан тўла фойдаланмаётганликларини кўрсатмоқда.

Партия ташкилотларининг кучли ва бўш томонлари ҳисобот ва сайловлар давомида айниқса яққол кўзга ташланади. Аввалгиларидан фарқли ўлароқ бу галги ҳисобот-сайловлар бирмунча танқидий руҳда ўтди. Ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва конференцияларда уларда иштирок этган коммунистларнинг ҳар бештасидан биттаси сўзга чиқди. Социал-иқтисодий ривожланиш, идеологик ва ташкилий-партиявий ишларнинг долзарб масалалари бўйича 40 мингтадан кўпроқ танқидий мулоҳаза ва конкрет таклифлар билдирилди.

10 та бошланғич партия бюроси ва комитетининг, 3 та цех партия ташкилоти, 2 та партия группасининг ҳисобот давридаги фаолияти қониқарсиз баҳо олганлиги коммунистлар талабчанлиги ошганлигининг ёрқин мисолидир.

Лекин афсуски, ҳамма чинакамига партиявий муросасизлик, большевикча принципиаллик, ишларнинг аҳволидан чуқур ташвишланиш ҳислатлари ҳамма коммунистлар учун ҳам хос эмас. Масалан, Бекобод районидаги Ойбек номли совхозда қўшиб ёзиш, ошна-оғайнигарчилик, порахўрлик авж олган, партком секретари совхознинг собиқ директори, амалда кўзбўямачи ва жиноятчи бўлган Ибайдуллаев измида бўлган бир шароитда совхоз партия комитетининг иши қандай қилиб қониқарли деб топилиши мумкин? Афтидан Оҳангарон, Калинин ва қатор бошқа районлар партия конференцияларининг делегатлари ҳам етарли даражада принципиал бўлмадилар. Бу районларда ишда жиддий ўпирилишлар бўлишига қарамасдан, райкомнинг ҳисобот давридаги иши қониқарли деб топилди.

Ўртоқ М. С. Горбачев партиявий иш ҳақида гапирар экан давр ўзгарди, у партиявий ишга, унинг услуб, методлари ва натижаларига, демак кадрларга ҳам янги талаблар қўйилмоқда, деб уқдирган эди.

Область партия комитети вазиятни соғломлаштириш йўлига амал қилиб, жамоат фикрининг кучига, коммунистлар, барча меҳнаткашларнинг қўллаб-қувватлашига таянган ҳолда энг аввало сафларимизни ўзларини обрўсизлантириб қўйган кадрлардан тозалашга, барча участкаларни сиёсий етук, билимдон, маънавий жиҳатдан пок ходимлар билан мустаҳкамлашга интилди.

Ўтган даврда ишдаги қўпол хатолари, партия ва ахлоқ нормаларини менсимаган шаҳар ва район партия комитетларининг 29 нафар секретари, шу жумладан 15 нафар биринчи секретари, шаҳар ва район ижроия комитетлари раисларининг деярли учдан бири, корхона, ташкилот, колхоз ва совхозларнинг раҳбарларидан 80 кишидан кўпроғи ишдан бўшатилди.

Афсуски, партиядаги ўртоқларининг ишончини оқлаганлар, биз ҳақиқий қиёфаларини ўз вақтида аниқлай олмаганлар орасида область партия комитети аъзолари ва аъзоликка кандидатлардан 17 киши ҳам бор экан.

Область партия комитети нопок ходимлардан қатъият билан халос бўлар экан кадрлар сиёсатини такомиллаштиришни давом эттирмоқда. Кейинги пайтда олий маълумотли ходимлар, инженерлар, қишлоқ хўжалиги мутахассислари, хотин-қизлар сони ортди. Тажрибали ва ёш кадрлар мутаносиблигини таъминлаш масаласи яхшироқ ҳал этиладиган бўлди. Бугунги кунда раҳбар ходимларнинг ҳар уч нафаридан бири 40 ёшга етмаган кадрлардир.

Фақатгина принципиал партиявий танқид ва ўз-ўзини танқид муҳитидагина кадрларни тўғри тарбиялаш, уларни сиёсий, маънавий жиҳатдан чиниқтириш мумкин. Ҳали бизда учраб турадигинидек танқид номигагина, четдан туриб қилиниши керак эмас. Ҳар бир кишига, унинг обрў-эътиборини юзхотир қилмай ишидаги камчиликлар ва нуқсонларни очиқ-ойдин кўрсатиб бериш жуда муҳим. Бунда, партия таъкидлаётганидек, танқидман қилинадиган жой бўлмаслиги керак. Ўз вақтида пайқалмаган ва бартараф этилмаган камчилик ва хатолар кўпайиб, ишда жиддий ўпирилишларга олиб келади. Бу область партия ташкилотимиз мисолида яққол кўзга ташланади. У кўпгина яхши ишларни қилди. Бироқ кейинги йилларда олға қараб ҳаракатимиз секинлашиб қолди. Субъективизм ва волюнтаризм, воқеликни бўяб кўрсатиш область партия комитети, партия комитетлари фаолиятига салбий таъсир кўрсата бошлади. Бу область партия комитетининг собиқ биринчи секретари ўртоқ Мусахонов амалда узоқ вақт давомида танқиддан четда қолганлиги билан бевосита боғлиқ. Бу унда партиявий принципиаллик ва талабчанлик ҳиссини ўтмаслаштирди, нима қилиб бўлса ҳам обрў-эътиборини сақлаб қолишга мойиллик туғдирди, лаганбардорлик, ўзини ўзи мақташ муҳити яратилишига сабаб бўлди.

Бундай шароитда ўзини ўта тиришқоқ ва жонкуяр қилиб кўрсатишга интилиш натижасида Коммунистик район партия комитетининг собиқ биринчи секретари Мирзақулов жиноятчилик тўрига тушиб қолганлиги ажабланарли эмас. Қўшиб ёзиш ва давлат маблағларини ўғирлашда иштирок этганлиги учун қамоққа олинган «Политотдел» колхозининг собиқ раиси Хваннинг обрўси ҳам қалбаки бўлиб чиқди. Ҳолбуки Хван раҳбар сифатида область партия ташкилотида шаклланган эди. Унга ишонч билдиришди, кўтаришди, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети составига сайлашди. У эса фирибгар ва товламачи бўлиб чиқди. Мунтазам риёкорлик қилиш, партиядаги ўртоқларига ёлғон гапириш, партия аъзосининг пок номини булғашгача бориш учун нақадар юз тубан кетиш керак!

Хўжакўрсинчилик, обрў-эътиборни нотўғри тушуниш, баъзи раҳбарларни ҳаддан ташқари мақтаб юборишнинг оқибати одатда вой бўлади. Бўка ва Калинин районлари ҳар тарафлама кўкларга кўтарилган, уларнинг тажрибасини ўрганиш тавсия этилган даврлар бўлганлиги сир эмас. Бироқ бу районлар партия комитетларининг собиқ биринчи секретарлари Исломов ва Қамбаров илғорлик шон-шуҳратига кўникиб қолиб, қандай қилиб бўлмасин илғорлар орасида сақланиб қолиш учун вақти келиб ўз виждонларига қарши иш тутдилар. Турли қонунбузарликлар, кўзбўямачилик ва суиистеъмолчиларга ҳомийлик қилдилар. Бу билан район партия ташкилотининг аввалги хизматлари ва яхши ишларига доғ туширидилар.

Шуни айтиш керакки, партиявий раҳбарликнинг кейинги йилларда қарор топган носоғлом формалари таъсири шунчалик кучлики, кадрларнинг муайян қисми ўз ишларини қайта қуришни хоҳламасдан ҳозир усталик билан чап бериш, мунофиқлик қилиш йўлига ўтиб олган.

Делегатлар областда партиявий турмушнинг ленинча нормалари қўпол равишда бузилиши ҳолларини конференция қатъийлик билан қоралаб, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш соҳасидаги ишларни тубдан яхшилаш тўғрисидаги масалани қўйиш ҳақидаги таклифни қўллаб-қувватлайдилар, деб ўйлаймиз. Партия комитетлари ва ташкилотлар кўпгина янги ходимлар раҳбар қилиб тайинланганликларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг бу ишга кўникиш муддатларини қисқартириш, касб малакаларини ва ғоявий-назарий савияларини ошириш тўғрисида чинакамига ғамхўрлик қилишлари зарур. Айни пайтда партия Программаси ва Уставида кўрсатилган юксак талаб нормалари ва мезонлари асосида уларнинг топширилган иш учун масъулиятларини кучайтириш керак.

Бу муаммоларни яхши шаклланган, сифатли ва синовдан ўтган кадрлар резервисиз ҳал қила олмаслигимиз равшан. Аммо бу ишда ҳали жиддий камчиликларимиз бор.

Кадрлар билан ишлашни такомиллаштириш партия сафларини тўлдириш тўғрисидаги доимий ғамхўрлик билан чамбарчас боғлиқ. Аввалги конференциядан буён ўтган вақт ичида 10 минг нафардан кўпроқ киши КПСС аъзолигига кандидатликка қабул қилинди. Уларнинг 70 процентидан кўпроғи ишчи ва колхозчилардир. Қабул қилинганларнинг учдан икки қисми Ленин комсомолининг вакиллари, 37 процентга яқини хотин-қизлардир. Область партия ташкилоти бу даврда 4,5 минг кишига кўпайди ва ҳозирги пайтда ўз сафларига 181 минг коммунистни уюштирган.

Шу билан бир қаторда айрим партия комитетлари шаҳар ва район партия ташкилотлари кимлар ҳисобига тўлдирилаётганлиги тўғрисида ҳамиша ҳам ўйламайдилар. Ҳисобот даврида 380 нафардан кўпроқ партия аъзолигига кандидат кандидатлик синовидан ўта олмади ва КПСС сафидан чиқиб кетди. Олмалиқ, Чирчиқ, Янгийўл шаҳар партия комитетлари, Оққўрғон, Собир Раҳимов, Акмал Икромов ва Сергели район партия комитетларида ҳали ҳам партия сафларига номзодлар танлаш ва ёш коммунистларни тарбиялашда камчиликлар кўп.

КПСС Уставига киритиш таклиф этилаётган ўзгартишлар партия сафини ўстиришда комсомолнинг ролини сезиларли даражада оширади. Кейинги пайтда областда КПСС Марказий Комитетининг комсомолга партиявий раҳбарликни яхшилаш тўғрисидаги қарори талаблари асосида бу соҳада анча иш қилинди. Аммо область партия комитетларининг пленумларида Бўка, Куйбишев, Пискент, Янгийўл ва Чиноз район партия комитетларининг шаънига комсомол ишининг ҳал қилувчи участкаларини коммунистлар ҳисобига мустаҳкамлаш тўғрисида етарлича ғамхўрлик қилинмаётганлиги учун кўп марта ҳаққоний эътирозлар айтилган эди. Гап ўринбосарларимиз тўғрисда бўлганлиги учун бундан дарҳол хулоса чиқариб олиниши керак, деб ўйлагандик. Аммо бундай бўлмади. Бу нормал ҳол эмас, ўртоқлар. Комсомолда фақат партия ташкилотларининг ижобий тажрибаларигина эмас, бизнинг камчиликларимиз ҳам ўз аксини топишини ёддан чиқармаслик керак. Комсомолга раҳбарликни кучайтириш масалалари барча партия комитетларининг доимий диққат-эътиборида бўлиши керак. Комсомолга салбий ҳодисалардан, ташкилий ишларга кўмилиб кетиш, ғала-ғовур, расмиятчилик ва дабдабабозликдан қатъият билан халос бўлишда ёрдам кўрсатиш, область комсомол ташкилотлари, бутун ёшларининг куч-ғайратини социал-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш вазифаларини ҳал этишга актив йўналтириб туриш керак.

Область партия комитети партия сафларини мустаҳкамлаш, кадрларнинг топширилган иш учун масъулиятини оширишга ҳаракат қилар экан ижрони контроль қилиш ва текширишдек муҳим участкадаги ишни қайта қуришни тўла таъминлай олмади. Бунда партия комиссияларининг роли сезиларли бўлмаяпти. Улар партиянинг социал-иқтисодий ривожланишнинг долзарб масалалари юзасидан қарорларининг ижро этилишини контроль қилиш, қўшиб ёзиб, кўзбўямачилик, хизмат вазифасини суиистеъмол қилишга қарши курашдаги ишда ҳали ўз ўринларини топганлари йўқ. Уларнинг партия ташкилотларининг маъмурият фаолиятини контроль қилиш бўйича комиссиялари билан ўзаро ҳамкорлиги бўшаштириб юборилган. Бу ишни яхшилаш юзасидан вазифаларни биз область партия комитетининг пленумида муҳокама этдик. Шаҳар ва район партия комитетлари, область партия комитетининг аъзоси, партия комиссиясининг раиси ўртоқ И. И. Федоринов партия комиссиялари фаолиятидаги сусткашлик, ишда бир қолипчиликка мойилликка янада қатъиятлилик билан барҳам беришлари, партия интизомини мустаҳкамлашда, муҳитни соғломлаштиришда уларнинг активликларини оширишлари керак.

Область халқ контроли органларининг катта имкониятларидан ҳам тўлиқ фойдаланилмаяпти. Кўпгина ўғирлик, порахўрлик, қўшиб ёзиш, кўзбўямачилик ҳоллари халқ назоратчилари томонидан эмас, балки меҳнаткашлар сигналлари бўйича, маъмурий органлар томонидан аниқланмоқда.

Кейинги пайтларда маъмурий органлар таъмагирлик билан қилинган жиноятларни, қўшиб ёзишлар, кўзбўямачиликлар, социалистик мулк талон-тарож қилинишини бартараф этиш учун анча иш қилдилар. Лекин биз тартиб ўрнатиш соҳасидаги бу иш баъзи кимсаларда ғаразгўйлик, яширин қаршилик кўрсатиш туйғуларини уйғотаётганлигини биламиз. Шунинг учун бугун биз милиция, прокуратура ва суднинг тўғри ишларини бадном қилишга ҳар қандай уринишларга, жуда қатъий зарба берилишини айтишимиз керак. Партия комитетлари социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш учун курашда маъмурий органларга ишонч билдириб, уларни қўллаб-қувватлаб келди ва бундан буён ҳам шундай қилади. Шу билан бир қаторда турли хилдаги қонунбузарликларга қарши кураш ишидаги муваффақиятсизликлар учун область ижроия комитети ва Тошкент шаҳар ижроия комитети ички ишлар бошқармалари (Саитбоев, Клапушевский ўртоқлар), область ва шаҳар прокуратуралари (Жўраев, Филипенков ўртоқлар), бошқа ҳуқуқий муҳофаза қилиш органлари зиммасидаги масъулият соқит этилмайди. Область партия комитети, унинг маъмурий органлар бўлими, жойлардаги партия комитетлари маъмурий органларга партиявий раҳбарлик савияси сезиларли даражада оширишлари, уларнинг жиноятчиликка қарши курашдаги иш натижалари учун талабчанликни кучайтиришлари керак. Милиция, прокуратура ва суд органларида ҳали ҳам учраб турган хизмат вазифасини бузиш, таъмагирликка интилиш, қўшиб ёзиш, порахўрлик, айрим ходимларнинг маънавий айниши, баъзан эса уларнинг жиноятчилар билан тил бириктиришгача бориб етиш ҳолларига қатъият билан барҳам бериш керак.

Ўртоқлар, шу нарса маълумки, меҳнаткашларнинг партия комитетлари ва матбуот органларига хатлари, аризалари ва мурожаатлари бутун фаолиятимиз самарадорлигининг объектив барометри ҳисобланади. Уларнинг таҳлили кўпгина эътирозлар, социал-маиший соҳадаги камчиликлар оқибатида пайдо бўлаётганлигини кўрсатмоқда. Кишилар ва энг аввало аёллар магазинлар, медицина муассасаларида навбатда туришдан қийналишмоқда. В. И. Ленин айтганидек аёллар овқат пишириш, кир ювиш ва бошқа маиший юмушлардан иборат толиқтирадиган ишлар билан банд бўладилар. Бу уларнинг бўш вақтларининг ярмига яқинини олади. Кўпгина корхоналарда ҳали ҳам меҳнаткашларнинг иш, турмуш ва дам олиш шароитларини яхшилаш тўғрисидаги масалалар жуда қониқарсиз ҳал этилмоқда.

Айни пайтда область партия комитети савдо ва маиший хизмат бўлими томонидан бўш раҳбарлик қилиниши натижасида кўпгина хизмат турлари, шу жумладан, иш жойида кўрсатиладиган хизмат турлари жуда секинлик билан ривожланаяпти. Кундалик моллар билан савдо қилишда узилишларга йўл қўйилмоқда. Савдо обороти планлари мунтазам бажарилмаяпти. Хизмат кўрсатиш маданияти паст. Ҳозирги кунгача қишлоқ жойларида коммунал ва маиший хизмат кўрсатиш шаҳардагидан 1,5 баравар камлигини мутлақо нормал ҳол деб бўлмайди. Колхоз ва совхозларнинг ҳар тўрттасидан биттасида умуман маиший хизмат корхонаси йўқ. Медицина хизмати республиканинг ўртача кўрсаткичидан паст даражада қолмоқда.

Хизмат кўрсатиш ва соғлиқни сақлаш соҳасида ҳали ҳам учраб турган қўполлик ва лоқайдлик, таъмагирлик, порахўрлик, чайқовчилик, ноёб моллар ва дори-дармонларни бекитиб қўйиш аҳолининг ҳаққоний ғазабланишига сабаб бўлаяпти.

Буларнинг ҳаммаси область партия комитети, жойлардаги партия комитетлари халқ депутатлари Советларининг, касаба союз ташкилотларининг фаолиятига етарлича эътибор бермаётганликларидан далолат беради. Ваҳоланки, маҳаллий Советлар ва касаба союз ташкилотлари биринчи навбатда бу вазифаларни ҳал этишга даъват этилганлар. Кўпгина ижроия комитетларда, шу жумладан область ижроия комитетида ҳам социал масалалар истиқболлари ва муаммоларини кўра-билишда узоқни кўзлаб иш тутмасликка барҳам берилмаган. Бу жойларда ҳали ҳам бюрократизм ва сансалорлик кўп учрайди. Совет органларининг бир қанча ходимлари меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилиш ўрнига ўзлари қонунсиз ҳатти-ҳаракат қилиш йўлига ўтишлари сабабли бу иш янада жиддий тус олди. Область партия комитети Тошкент шаҳар ижроия комитетининг собиқ раиси Козимов, Паркент район ижроия комитетининг собиқ раиси Икматов, Олмалиқ шаҳар ижроия комитетининг собиқ раиси Агарков, Оҳангарон район ижроия комитети раисининг собиқ ўринбосари Матибароҳимов ва бир қатор бошқа ходимларнинг бундай ҳаттиҳаракатларига принципиал партиявий баҳо берганлиги конференция делегатларига маълум.

Область, шаҳар ва район советларининг ижроия комитетлари жойлардаги совет ва хўжалик органларига талабчанликни кучайтиришлари, депутат группалари ва комиссияларининг фаолиятини бутун чоралар билан активлаштиришлари, кишиларнинг турмуш шароитлари билан боғлиқ барча масалаларни собитқадамлик билан ҳал этишлари, амалда социал адолат принципларига қатъий риоя этишлари керак. Область касаба союзлари совети, унинг раиси, область партия комитети бюроси аъзолигига кандидат ўртоқ Браилов ишни секинлик билан қайта қурмоқда. Касаба союзлари эскирган иш формаларидан қатъият билан халос бўлишлари, касаба союз фаолияти тўлақонли ва жўшқин бўлишига эришишлари лозим. Меҳнат коллективлари тўғрисидаги қонун кучига таянган ҳолда бу энг оммавий жамоат ташкилотининг ҳамма бўғинлари ўзларида халқ хўжалигини ривожлантириш тўғрисидаги ғамхўрликни меҳнаткашлар манфаатлари тўғрисидаги ғамхўрлик билан тўлароқ мужассамлантиришга эришишлари керак.

Ҳисобот даврида амалга оширилган ишларга баҳо берар эканмиз, биз область партия комитети аппарати ишига ҳам танқидий нуқтаи назардан ёндошишимиз лозим. Ўтган даврда аппарат қизғин иш олиб борди, деб бўлмайди. Лекин бугун докладда тилга олинган жиддий камчилик ва нуқсонлар область партия комитети бўлимлари ва уларнинг мудирларига жиддий таънадир. Бунда область партия комитети секретариатининг мувофиқлаштириб турувчи ва йўналтирувчи роли тўла намоён бўлмади.

Область партия комитетининг биринчи секретари сифатида менга ўз диққат-эътиборимни область партия комитети бюроси, секретарлари ва аппарати иш услубини такомиллаштириш, айниқса, уларнинг кадр сиёсатидаги ролини кучайтиришнинг қатор масалаларига марказлаштиришга эриша олмадим, деб ҳисоблайман. Биз баъзан КПСС Марказий Комитети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми талаблари асосида салбий ҳодисаларни бартараф этишда қатъиятсизлик ва муросачилик қилдик, тартиб ўрнатиш ва интизомни мустаҳкамлаш учун курашда ҳамиша ҳам тезкорлик билан, ҳужжумкор руҳда иш олиб бормадик.

Биз конференция делегатлари область партия комитети, унинг бюроси, секретарлари ва аппарати ишини дабдабаларсиз ва сафсатабозлик қилмасдан ишчанлик билан таҳлил этадилар, биз қилган ишлар партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумлари қарорларига, КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси ҳамда иқтисодий ва социал ривожланишнинг Асосий йўналишлари лойиҳасида аниқравшан баён этилган партиянинг узоқ муддатли мақсадлари ва ҳозирги босқичдаги вазифаларига қанчалик мос келишини жиддий, талабчанлик билан баҳолайдилар деб ишонамиз.

Биз учун мазкур программавий ҳужжатларни бажариш ҳақидаги ишда В. И. Ленининг реал мавжуд ютуқ ва тажрибаларни, худди шунингдек камчилик ва нуқсонларни чуқур таҳлил этишни материал, сабоқ сифатида, биз олға қадам қўйишимиз керак бўлган пиллапоя сифатида қараш керак, деган васияти ҳаракат учун дастуруламал бўлиб хизмат қилади.

Давр янгича услубни, ишга янгича ёндошишни талаб этмоқда. Бугун биз ҳаммамиз ўз ишларимиз, ўйларимиз ва ҳатти-ҳаракатимизни КПСС Марказий Комитетининг апрель ва октябрь (1985 йил) Пленумларида қўйилган вазифалар билан ўлчашимиз керак. Биз учун ўзгача йўл йўқ. КПССнинг бўлажак XXVII съезди қарорларини ҳаётга муваффақиятли тадбиқ этиш учун курашда областнинг ҳар бир коммунисти, ҳар бир меҳнаткашидан иложи борича кўпроқ ижодкорлик, ўта сафарбарлик, юксак масъулият, ҳар бир ишда ҳалоллик талаб этилади.

РЕВИЗИЯ КОМИССИЯСИНИНГ ҲИСОБОТ ДОКЛАДИ

Комиссия раиси А. Н. КУДИНОВ доклади

ОБЛАСТЬ партия ташкилотининг ревизия комиссияси ҳисобот даврида партиянинг пул ва моддий воситаларини мақсадга мувофиқ ва тежаб-тергаб сарфлаш, КПСС Устави талабларига риоя этилишини мунтазам назорат қилиб борди. Область партия комитети шаҳар ва район партия комитетлари билан биргаликда шаҳар ва район партия комитетлари секретарлари, бўлим мудирлари, шаҳар ва район партия ташкилотлари ревизия комиссияларининг раислари учун семинар кенгашлар ўтказди. Ревизия комиссиялари раисларининг ўқуви ташкил этилди. Коммунистлар ўртасида интизомни мустаҳкамлаш чоралари кўрилди.

Комиссия область партия комитети молиявий хўжалик фаолиятини саккиз марта ревизия қилди, етти марта маълум мақсадга қаратилган тематик текширишлар ўтказди. Комиссия аъзолари контроль қилиш мақсадида 172 та бошланғич партия ташкилотларида партия аъзолик бадалларини тўлашнинг аҳволини текшириб чиқдилар. Шунингдек, шаҳар ва район партия комитетларида 13 та текшириш ўтказилди, жойлардаги ревизия комиссияларига ёрдам кўрсатилди.

Комиссиянинг 12 та мажлисида 27 та масала кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумидан сўнг ревизия комиссиясининг ишида янги сифат ўзгаришлари рўй берди.

Ревизия ва текширишлар якунлари комиссия мажлисларида, область партия комитети секретариатида, шаҳар ва район партия комитетларининг бюроларида янада принципиалроқ кўриб чиқиладиган бўлди. Комиссия аъзолари белгиланган тадбирларнинг бажарилишига, текширишлар сифатига жиддийроқ муносабатда бўлишмоқда.

Текшириш материаллари шуни кўрсатдики, кўпгина партия комитетлари партия бюджетига маблағлар тўлиқ ва ўз вақтида тушишини бўш контроль қилмоқдалар. Ҳали партия аъзолик бадалларини ўз вақтида тўламаётган коммунистлар бор. Улар, айниқса, Сергели, Ленин, Янгийўл, Ғалаба, Чиноз район партия ташкилотларида кўп.

Айрим бошланғич партия ташкилотлари аъзолик бадалларини омонат кассаларига топширишни кечиктириб юбормоқдалар. Баъзи омонат кассалари аъзолик бадалларини область партия комитети счётига ўтказишни чўзиб юбормоқдалар.

Аъзолик бадаллари тўлашнинг аҳволи ҳар йили барча партия ташкилотларида, текшириб чиқилади. Бу амалда барча коммунистларни текшириш демакдир. Такрор текширувлар ўтказиш тобора кенг ёйиляпти. Умуман область бўйича бошланғич партия ташкилотларининг 80 процентигача бир йилда икки марта текширилади. Бироқ, қатор шаҳар ва район партия ташкилотларининг, жумладан, Ҳамза, Оҳангарон, Бекобод, Бўка, Пискент, Ғалаба районлари партия ташкилотларининг ревизия комиссиялари бошланғич партия ташкилотларини юз процент текширишдан ўтказишни ҳали ҳам таъминламаётирлар. Уларда партия ташкилотларининг 40 процентгачаси текширишдан ўтказилмай қолмоқда.

Коммунистларнинг аксарият кўпчилиги аъзолик бадалларини ўз вақтида ва тўла миқдорда тўлаяпти. Шунга қарамасдан текширишларда коммунистлар аъзолик бадалларини бутун маошларидан, даромадларининг барча манбаларидан тўламаганликлари ҳоллари ҳам аниқланди. Бу ҳолга Бекобод, Янгиобод, Ленин, Собир Раҳимов, Фрунзе, Бўстонлиқ, Оққўрғон район партия ташкилотлари етарлича аҳамият бермаяптилар. Партия интизомини бузишга йўл қўйганлар орасида анчагина раҳбарлар ҳам бор. Масалан, В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия заводининг партия ташкилотида ўтказилган текшириш коммунистларнинг кўпчилиги мунтазам равишда партия бадалларини бутун маошларидан тўламай келганликлари аниқланди. Тўланмаган аъзолик бадаллари катта миқдорда эканлиги маълум бўлди. Устав интизомини бузувчилар орасида завод, цех раҳбарлари, ҳатто, цех партия ташкилотларининг секретарлари бор. Афсуски, бундай мисоллар, айниқса, ижодий, илмий-тадқиқот ташкилотларида кўп учрамоқда. 1984 йилда аъзолик бадалларини тўламаганликлари ва партия ташкилоти билан алоқасини узганликлари учун партиядан 255 киши чиқиб кетган бўлса, 1985 йилда уларнинг сони 1,5 бараварга кўпайди.

Ревизия комиссияси ҳисобот даврида бошланғич партия ташкилотлари секретарларида партия аъзолик бадаллари камомати ҳоллари кўп марта учрагани ва катта ташвиш билан таъкидлайди. Олмалиқ, Ангрен шаҳарлари, Акмал Икромов, Оққўрғон, Оҳангарон район партия ташкилотларида бундай ҳолларга қарши бўш кураш олиб борилмоқда. Тўланмаган аъзолик бадаллари ва камоматлар тўла ҳажмда ундириб олиниб, партия бюджетига ўтказилди. Ревизия комиссияси бундай ҳолларни баҳолашга янада талабчанлик билан ва принципиал ёндошиш керак, деб ҳисоблайди.

Ҳисобот даврида партия бюджетининг бир қисми асосан смета бўйича белгиланган миқдорда сарфланган. Умуман, область партия ташкилоти бўйича маблағларни ортиқча сарфлашга йўл қўйилмаган. Икки йил давомида харажатларнинг тежалиши таъминланган. Шунга қарамасдан Ҳамза, Киров, Пискент район партия комитетлари молиявий-хўжалик интизомини бузишга ҳамда сметанинг айрим моддалари бўйича маблағларни ортиқча сарфлашга йўл қўйганлар.

Ревизия комиссияси капитал қурилиш учун ажратилган маблағларнинг ўзлаштирилишини мунтазам контроль қилиб борди ва бу муҳим масаладаги мавжуд камчиликларга партия комитетларининг эътиборини қаратиб турди. Масалан, Куйбишев район партия комитети биноси учун 106 минг сўм, Октябрь район партия комитети биноси учун 86 минг сўмлик маблағ сарфланиб, тасдиқланмаган план асосида қурилишлар олиб борилди. Паркент район партия комитетининг биноси нормативлар муддатлар бузилган ҳолда ва ортиқча ҳашамлар билан қурилаяпти. Айни пайтда умуман икки йил мобайнида партия органлари асосий фондларни ишга туширишни таъминламадилар.

Ҳисобот даврида ревизия комиссияси область партия комитети пул маблағларини, кассасини, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларини, штат-смета интизомининг аҳволини мунтазам текшириб борди.

Ревизия комиссияси область партия ташкилотида пул ва моддий воситаларни сақлаш тўғрисидаги кўрсатмаларга умуман риоя этилганлигини таъкидлаш билан бирга барча партия комитетлари ҳам партия маблағларини, ҳатто, иш ҳақини сарфлаш тартибининг қатъий контроль қилмаётганликларига эътиборни қаратади. Масалан, Калинин район партия комитетида катта бухгалтер вазифасини бажарувчи Г. Н. Баландина кўпол хатоларга йўл қўйганлиги учун ишдан бўшатилди.

Район партия ташкилотининг ревизия комиссияси ушбу даврда район партия комитетида тўрт марта ревизия ўтказди, лекин йўл қўйилган камчиликларни аниқлай олмади. Бу мисолдан тегишли хулоса чиқариб, партия комитетларининг кассалари ҳамда бухгалтерияларини жиддийроқ текшириш, кадрларни танлашга эътиборни кучайтириш лозим.

Ҳисобот даврида сиёсий маориф уйи молиявий хўжалик аҳволини, кутубхона фондининг сақланишини, область партия комитети гаражида автотранспортдан фойдаланишни текширишлар ўтказилди. Гаражни текшириш пайтида лимитлардан ортиқча фойдаланишга йўл қўйилганлиги, машиналарда белгиланганидан кўп йўл босилганлиги каби камчиликлар аниқланди. Айни пайтда эса резина, эҳтиёт қисмлар тежалганлиги маълум бўлди. Бу ҳол мазкур ресурсларни четдан, хўжалик органларидан олинаётганлигидан далолат беради. Ревизия комиссияси партия комитетларининг эътиборини бундай камчиликларга йўл қўйиб бўлмаслигига қаратди. Шунингдек, қатор шаҳар ва район партия комитетлари хизмат кабинетларини жиҳозлашда, биноларни ремонт қилишда ортиқча ҳашамдорликка йўл қўйганлиги, тасдиқланган сметалар ва сарф-харажатларга риоя этмаганлиги кўрсатиб ўтилди. Бундай камчиликларга қарши кураш давом эттирилиши ва кучайтирилиши керак.

Ревизия комиссияси область партия комитетининг, «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» область газеталари редакцияларининг гражданлар хатлари ва аризалари билан қандай ишлаётганлигини мунтазам текшириб борди.

Ўтган икки йил ичида область партия комитетига 4165 та хат келди, 1470 киши қабул қилинди. Шуни таъкидлаш керакки, 1985 йилда хатлар сони 1,5 баравар кўпайди. Бу оммаларнинг сиёсий активлиги ошганлигини, уларнинг партия органларига нисбатан ишончларини мустаҳкамланганлигини кўрсатади.

Таниқдий характердаги хатлар турар-жой ва коммунал-хўжалик масалалари, колхоз, совхоз, қишлоқ хўжалик органлари, савдо ва маиший хизмат соҳасидаги ишларга тааллуқлидир. Маъмурий органлар ишига оид, партия ва давлат интизомини бузаётган коммунистлар ва раҳбарларнинг нотўғри хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги хатлар ҳам кўпайди. Гражданларнинг хат ва аризалари асосан белгиланган муддатларда кўриб чиқилган.

Шу билан бир қаторда район ва шаҳар партия комитетларида ҳам, область партия комитетининг бўлимларида ҳам хат ва аризаларни кўриб чиқишни кечиктириш, уларга расмиятчилик билан муносабатда бўлиш ҳолларига ҳали барҳам берилганича йўқ. Шунинг натижасида ортиқча ёзишмалар юзага келмоқда, аризачилар юқори органларга қайта-қайта мурожаат қилишга мажбур бўлмоқдалар. Бундай нуқсонлар Олмалиқ ва Чирчиқ шаҳар партия комитетларига, Оржоникидзе, Бўстонлиқ, Ўрта Чирчиқ район партия комитетларига кўпроқ тааллуқлидир. Бу шаҳар ва районлардан, айниқса, кўп хатлар келаяпти. Партия комитетлари ҳар бир танқидий хатга нисбатан эътиборни кучайтиришлари, масалани одилона ҳал қилишлари, улар юзасидан қонун ва партия Устави асосида қатъий қарорлар қабул қилишлари керак.

Область газеталарининг редакциялари газетхонлар хатлари асосидаги танқидий чиқишларнинг таъсирини янада қатъийлик билан оширишга эришишлари, кишиларни ташвишлантираётган мавзуларда оператив материаллар эълон қилиб боришлари лозим.

Ҳисобот даврида ревизия комиссияси область партия комитетида коммунистларнинг шахсий ишларини кўриб чиқилишига оид ишларни текшириб борди. Область партия комиссияси ўзининг кундалик фаолияти билан партия-давлат интизомини мустаҳкамлашга, коммунистлар масъулиятини оширишга кўмаклашмоқда. Область партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятида шахсий ишларни кўриб чиқиш муддатларининг тез-тез бузилишига, партия аъзоси деган юксак номга доғ тушираётган шахсларга нисбатан кўнгилчанлик ва муросасозлик қилишга йўл қўйиб келинди. Кейинги вақтда бундай камчиликлар қатъий бартараф этиляпти.

Область XXI партия конференциясида ревизия комиссияси аъзолигига сайланганлар ўзларига топширилган ишга асосан, ҳалол муносабатда бўлдилар. Бироқ, комиссиянинг айрим аъзолари текширув ва ревизияларни лозим даражада чуқур ўтказмадилар. Комиссиянинг бир қатор аъзолари ўз вазифаларига етарлича масъулият билан ёндошмадилар. Масалан, Э. В. Воҳидов, Б. М. Мирҳамидова ўртоқлар топшириқларни амалда бажармадилар. Г. Н. Гребенникова, Мирзаахмедова, О. Г. Соколова ўртоқлар жуда суст ишладилар. Н. М. Мадаминов, Г. А. Тулепбекова, Х. Ширинов, Н. С. Шорасулов ўртоқлар бошланғич партия ташкилотларини текширишда иштирок этмадилар. Ҳолбуки, бу ўртоқларга уларнинг сусткашлик қилаётганликлари комиссия мажлисларида бир неча марта кўрсатиб ўтилган эди. З. Эсонова, И. И. Ли ўз обрўларини йўқотганликлари учун комиссия составидан, Х. Ҳамроқулов билан Ҳ. Қосимов ўртоқлар эса партия сафидан чиқарилдилар.

Ревизия комиссиясининг янги состави, партия комитетлари комиссия аъзоларига улар зиммасига юклатилган партиявий топшириқларни бажаришлари учун талабчанликни янада оширишлари лозим.

Партия ревизия комиссиялари ўзларининг амалий иш фаолиятлари давомида КПСС Уставига амал қиладилар. Уставда текшириш ва ревизия ўтказиш тартиблари белгилаб қўйилган. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, бунинг ўзи кифоя қилмас экан. Бизнинг комиссиямиз КПСС Устави лойиҳасига КПСС ревизия комиссияларининг ҳуқуқлари, бурчлари ва масъулиятлари белгилаб берилган Низом ишлаб чиқариш тўғрисида қўшимча киритишни таклиф этади. Бизнинг фикримизча бу ўтказилаётган контрол-ревизия ишлари савиясини оширишга ёрдам беради.

Ревизия комиссиясининг янги состави мавжуд камчиликларни ҳисобга олади, уларни бартараф этиш чораларини кўради ва ўзининг амалий иши билан партия интизомини мустаҳкамлашга кўмаклашади ва шу билан КПССнинг X